



Шамсуддин Мухаммад Хофиз Шерозий Эроннинг Шероз шахрида тугилган. Лекин бутун умри давомида она шахридан четга чикмаган бу «исонафаслик ринди Шероз» (Навоий) ўзининг ёник шеърлари билан ярим дунёни эгаллади ва ўзидан кейинги Шарку Гарб адабиётига катта таъсир кўрсатди. Буюк немис шоири Хёте Хофизни «ноёб услуб дахоси», «мукаддас Хофиз» деб улуглаб, унинг таъсирида «Гарбу Шарк девони»ни яратган бўлса, В. Жуковский, А. Пушкин, Ю. Лермонтов, А. Фет, С. Есенин каби рус шоирлари Хофиздан илхомланиб, «хофизона» охангларда шеърлар ёзганлар, унинг ижодини юксак бахолаганлар. Шаркда эса Шероз булбулидан таъсирланмаган шоирнинг ўзи йўқ ҳисоби.

Машхур хинд шоири ва мутафаккири Мухаммад Икбол Хофизни буюк сөхргар, деб луфт этган эди. Чиндан ҳам дунё адабиётида сўзни Хофиздай минг бир макомда ўйнатган, сўзга минг бир маъно юклаган, сўзни минг бир сөхру синоат пардасига ўраган яна бир шоирни топиш мумкин эмас. Хофиз шеърлари табиийлиги, самимийлиги, хассос бир мухаббат ва юксак бадииятга йўгрилганлиги, мазмуни теран ва серкатламлиги, фалсафасининг куюклиги, нозик ишораларга бойлиги, услубининг мураккаблиги учун ҳам унга «лисон ул-гайб» — «гойибнинг тили» сифатини берганлар. Хофиз Шаркда шунчалик шухрат тутганки, уни мукаддаслаштириб, илохийлаштириб, девонини фол китобига айлантирганлар. Шоир девони мадрасаларда махсус дарслик сифатида ўқитилган. Шаркда хофизхонлик катта шухрат қозонган.

Хофиз ҳаммаёкни вайронага айлантирган мўгуллар ҳукмронлиги инкирозга учраб, майда хонликлар ўртасидаги ўзаро тожу тахт талашлари авж олган, бундан халкнинг тинкаси қуриб, аҳоли хароб бўлган бир даврда яшаб ижод этди. Унинг даврида Шероз 5 марта ана шундай жанглар гирдобига тортилиб, ўзи вайрон, халки катли ом қилинди. 50 йил (1338—1388) мобайнида 6 марта подшоҳ алмашганлиги ҳам шоир яшаган даврнинг нотинчлигини кўрсатади. Бу нарса унинг ижодига таъсир этмаслиги мумкин эмас эди.

Маъшука таъриф-тавсифи, висол лаззати-ю, хижрон хасратини тараннум этиш воситаси бўлган газалга Хофиз ижтимоий мавзулар, фалсафий фикр-мулохазаларни омукта қилди. У ишк аталган улкан ва бепоён мавзу ичига Олам ва Одам дардини, ўз даврининг ўткир ижтимоий муаммоларини дадил олиб қирди ва махорат билан шеърга солди.

Хофизни Хофиз қилган нарса аслида шу. Шоир инсоннинг орзу-интилишлари, қувончу қайғуси, дарду ташвишлари, мухаббати, фикру ўйларини авж пардаларда қуйлаш билан адабиётнинг асосий объекти инсон эканлигини амалда исботлади. Шунинг учун ҳам, мана, VII асрдирки, унинг шухрати заррача қамайган эмас, билъакс, кундан-кунга ортиб борди ва бундан кейин ҳам шоир ижодига бўлган кизикиш сўнмаслиги шубҳасиз.

Хофиздан бор-ўйги бир девон мерос қолган. Шунинг учун ҳам унинг ўзи тузмаган. Бу ишни Хофиз вафотидан 30—40 йил кейин шоирнинг дўсти ва шогирди Мухаммад Гуландом амалга оширган. Лекин шу биргина девони билан ҳам у ярим дунёни эгаллади.

Фирдавсий маснавийни, Умар Хайём рубоийни қанчалик такомилга етказган бўлсалар,

Хофиз Шерозий ҳам газални шунчалик юксак пояга кўтарди. Мана, неча асрлардан буён рубоийда бирор шоир Умар Хайёмга етолмагани каби, газалда ҳам ҳеч ким Хофизнинг олдига тушолган эмас.

Хофиз ижодидан намуналарни ўзбек тилига Хуршид, Муинзода, Чустий, Васфий, Ш. Шомухамедов, Ж. Жабборов, Э. Вохидов, О. Бўриев каби форс-тожик адабиётининг билимдонлари таржима қилганлар.

## ГАЗАЛЛАР

### - Хуршид таржималари -

\* \* \*

Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,  
Каро холига бахш этгум Самарканду Бухорони.  
Сун, эй сокий, майинг охиргача — жаннатда топмайсан  
Бу Рукнобод киргогидаги сўлим Мусаллони.  
Шу алдокчи, кизикчи, фитначи шўхлар кўлидан дод,  
Кўнгулдан элтдилар сабрим килиб туркларча ягмони.  
Менинг нуксонли ишкимга унинг хусни эмас мухтож,  
Гўзал юз ҳеч талаб қилмас бўск ҳам зебу орони.  
Гапир чолгучидан, майдан — жахон сиррини кам изла,  
Ечолмас ҳеч киши хикмат-ла бу огир муаммони.  
Мен ул Юсуфдаги чексиз гўзалликдан аниқ билдим:  
Чикормиш ишк номус пардасидан ул Зулайхони.  
Ёмон, дединг, кувондим ман, Худо ҳақки, сўзинг тўгри,  
Гўзалрок айлади аччик сўзинг лаъли шакархони.  
Насихат тинглагил, жоно, тутурлар жону дилдан дўст  
Ақлли, бахтли ёшлар ҳурмат айлаб кекса донони.  
Газал этдинг-у дур сочдинг, ёкимли куйла, эй Хофиз,  
Фалак назмингга гавхардек нисор этсин Сурайёни.

\* \* \*

Аё сокий, суниб жоминг, қил эҳсон яшнасин диллар,  
Кўринди аввал ишк осон-у, сўнгра тушди мушкиллар.  
Сабо ечмоқчи бўлган сочининг хуш бўйига онтким,  
Муанбар халка-халка сочидан қон бўлди бу диллар.  
Ботир сажжодани майга агар пири мугон айтса,  
Йўловчига эрур маълум йўл ахлоли ва манзиллар.  
Менга ёр уйида ишрат қуриш имкони йўқ ҳар дам,  
Қилуркан кўнгирик фарёдқи, боғланг юкни гофиллар.  
Қоронгидир кеча, кўркинчли мавж, дахшатлидир гирдоб,  
На билгай холимизни четда турган юки енгиллар.

Ёмон от бирла фош ўлди ишим охир ўжарликдан,  
Нечук ёшрин колур сир сўзласа мажлисда окиллар.  
Агар васл истасанг, ундан йирокка кетма, эй Хофиз,  
Тилакни изла, кўй дунёни, бер орзуга табдиллар.

\* \* \*

Чолгучи, айлагил наво янги ва янги, хилма-хил,  
Изла шароби дилкушо янги ва янги, хилма-хил.  
Кўнглинг очувчи ёр ила, хилват ўтир нигор ила,  
Бўса-ла ком этиб раво, янги ва янги, хилма-хил.  
Сенга тилак бўлурму ром, кўтармасанг кадах мудом,  
Иди-ла майни ич расо янги ва янги, хилма-хил.  
Нима килсанг, гўзал пари, килгуси мен учун бари  
Ранг ила ўсмаву хино янги ва янги, хилма-хил.  
Тонг ели, эссанг хар качон гар ўша дилбарим томон,  
Хофизнинг арзин эт адо янги ва янги, хилма-хил.

\* \* \*

Каёнда ўнгламок ишни ва ман хароб каён?  
Бу йўл каёнда-ю, мен кайдаман, жавоб каён?  
Бири-биридан узок — сўфийлик билан риндлик,  
Каён насихату ракс, нагмаи рубоб каён?  
Рис тўнидан-у, бутхонадан кўигил безди,  
Каёнда дайри мугону шароби ноб каён?  
Эсарди васл шамоли, ажаб гўзал чоғ эди,  
Каён у нозу карашма хам ул итоб каён?  
Нима гапирса у душман дили-ю, дўст юзидан —  
Сўник чирок каён, равшан офтоб каён?  
Кўзим ёритгучидир остонангиз тупроги,  
Каён кетай бу эшикдан, буюр, хитоб каён?  
Югурма олма занахдонга, чоҳ йўл устидадир,  
Каён борурсан, эй кўнгул, бу хил шитоб каён?  
Карору сабрни Хофиздан истама, эй дўст,  
Каён карору чидам дилда, кўзда хоб каён?

\* \* \*

Эй сокий, бода нури-ла порлат шу жомимиз!  
Созанда, чал, жахоннинг иши бўлди ромимиз.  
Кўрдик нигор акси жамолин пиёлада —  
Боис бўлиб кадах кўтаришга давомимиз.  
Нозу карашма, ишва килур кадди сарвлар  
Келмакда деб у сарви санобар хиромимиз.  
Хеч ўлмагай кишики, дили ишк ила тирик,

Олам сахифасин бошида бизни номимиз.  
Бир макр этарми, деб мени излатса кўркаман,  
Пирнинг халол нонида бизнинг харомимиз.  
Гар дўстларимиз боги томон эссанг, эй сабо,  
Албатта, ёри жонга етургил саломимиз.  
Такрорлама номимизни — будир сенга илтимос,  
Кесин ўзи, гар эсламас айтганда номимиз.  
Мастликпи завки дилбари барно кўзига хос:  
Ул юзда ихтиёримиз, ул зулф домимиз.  
Хофиз сочар кўз ёшини донадек мудом,  
Будир умид васл: кушин тутса домимиз.

\* \* \*

Келди масжиддан бу кеч майхона сори пиримиз,  
Не бўлур, йўлдошларим, бундан кейин тадбиримиз?  
Биз муридлар кайси йўл бирла борурмиз Каъбага?  
Бошламоқда йўлни майхона томонга пиримиз!  
Ўтпарастлар манзилида биз хам айлармиз макон,  
Чунки шундай деб ёзилмишдир азал тақдиримиз.  
Банд бўлиб зулфига дил шод бўлганин билсайди акл,  
Акл эли истарди девона бўлиб занжиримиз.  
Шул гўзал юз лутфу эхсон оятин этди баён,  
Шу учун яхшилигингдан ўзга йўк тафсиримиз.  
Тош каби каттик дилиннга хеч бир айларми асар,  
Шунча ўтлуг ох бирла йўқмидир таъсиримиз?  
Охимизнинг ўклари, Хофиз, фалакдан хам ўтар,  
Рахм кил жонингга, саклан, тегмагай то тиримиз.

\* \* \*

Сокиё, кел энди сунгил жомни,  
Жойла тупрокка гами айёмни.  
Бер кўлимга бир пиёла май шу дам,  
Ташлайн малла тўну эхромни.  
Акл элича бу ёмонлик бўлса хам,  
Истамаймиз шарму ору номни.  
Бода сун хам ушбу магрурликдан,  
Тинчланиб кўй нафси беоромни.  
Бу ёник кўксимдан охим ўтлари —  
Тушди, куйдирди шу багри хомни.  
Ўз дилим сиррига махрам топмадим,  
Изладим хар канча хосу омни.  
Бир дилором ила кўнглим шод эрур,  
Элтди дилдан бир йўла оромни.  
Бокмагай харгиз чаманда сарвга,

Кимки кўрса ул сихиандомни.  
Сабр кил, Хофиз, туну кун ранжига,  
Бир куни топгайсан албат комни.

\* \* \*

Гами токим дилимда тутди маъво,  
Бошимга зулфи янглиг тушди савдо.  
Унинг ўтдек лаби оби хаётдир,  
Бўлибдир ул олов багрим аро жо.  
Качонлардан бери химмат кушига  
Бўлибдир ул кади раъно таманно.  
Баланд каддига мен бўлганман ошик —  
Мудом ошик иши гоксак ва аъло.  
Окар ёш гавхари кўз дарёсидан,  
Дуру марварид ила тўлди дунё.  
Сочар анбар исин тонг ели бу кун,  
Магар ёрим килибдур сайри сахро?  
Мудом Хофиз тили, эй сарви нозим,  
Кадинг мактовида бурро ва гўё.

\* \* \*

Гул ёнда-ю май кўлда, рафик дилбари жондур,  
Менга бу каби кунда гулом шохи жахондур.  
Айт: шамъ кетирмангиз-у базм ичра бу окшом,  
Ой юзли гўзалнинг юзи мажлисда аёндур.  
Гар мазхабимиз бода халол дер эди, лекин,  
Эй сарв, юзинг бўлмас экан, бода ёмондур.  
Доим кулогим банд наю нагмаю чангга,  
Лаъли лабу жом даврига кўзлар нигарондур.  
Мажлисга атр хржат эмас, жонни димоги  
Хар лахза сочинг исларидан атрга кондур.  
Канд ила шакар канча ширин бўлса, дам урма,  
Ширин лабинг орзуси менга вирди забондур.  
Ул чокки, гаминг хазнаси жой олди дилимда —  
Шундан бери мен кулга хароботда макондур.  
Сўз килма уятдан — мени расволигим ундан,  
Сўрма отим — ул от мени шармимга зиёндур.  
Оч кўзники, ринд, майхўри оввора десанг — биз,  
Бу шахрда биздек эмас ул кимса каёндур?  
Айбимни дема мухтасиб олдидаки, ул хам  
Биздек киладур айш талаб канча замондур.  
Хофиз, маю маъшукасиз ўлтурма замоне —  
Ким, ёсуману гул чоги, ийди рамазондур.  
Икки рафик шу замон бегаразу олижаноб,

У — шеър тўплами хам сув кўшилмагап майи ноб.  
Бу йўлга ёлгиз ўзинг юргил, офият йўли тор,  
Кўтар пиёлани — ўтган умр эрур ноёб.  
Билимга этмай амал кайгурувчи бир мен эмас,  
Килур ўзин уламо илми беамалда хароб.  
Акл кўзи била боккил бу фитна оламига,  
Жахон ила бу жахон ишлари жадал ва шитоб.  
Юзингга етмак умиди кўп эрди дилда, биров,  
Ажал — умид ва умринг йўлида бир гирдоб.  
Хикоя сўзлама, ой юзли ёр зулфини тут:  
Шум ила кутлуг эрур Зухраю Зухалда хисоб.  
Тополмагайлар уни хеч бир нафас хушёр,  
Негаки, Хофиз азал бодаси билан сероб.

\* \* \*

Кўзим корачиги кон ичра ноладан тун-кун,  
Каро сенинг тилагинг-ла шу холда халк бутун.  
Май ила маст кўзу лаъл лабингни ёди билан  
Кизил май ичдим-у, у хасратингда бўлгай хун.  
Юзинг куёши сенинг машрик остонангдан  
Агарда чикса кулиб, порлагай бу бахти забун.  
Хикоя айлади Ширин лабин мудом Фарход,  
Хам этти Лайли сочи халкасин макон Мажнун.  
Дилимни овла — кадинг сарви дилжўй эмиш,  
Гапир — ёкимли сўзингда эрур дурри мазмун.  
Шу бода даврида бер жонга рохат, эй сокий,  
Фалакни жорли даври юракка солди тугун.  
Ўшал замонки, кетибдур ёнимдан ул ёрим,  
Кўзимни теграсида бўлди ёшларим Жайхун.  
Нечук бу гамли юрак шод ўлуб, кувонгайким,  
Йўк ихтиёр ўзида, зарра йўк карору сукун.  
Эсин йўкотганидан ёр этар талаб Хофиз,  
Чунончи, истади йўксил хазинаи Корун.

\* \* \*

Дил — саройи мухаббатидур унинг,  
Куз — ёритгучи талъатидур унинг.  
Икки дунёга бошни эгмасдан  
Гарданам узра миннатидур унинг.  
Сену тўби-ю, мен — каддига асир,  
Ким на фикр этса, химматидур унинг.  
Ўтти Мажнун замони — гал бизга,  
Ўтказар, кимки навбатидур унинг.  
Мен нетай хилвати ароки, сабо

Пардадор ўлди — хурматидур унинг.  
Ишкнинг мулки-ю, кувонч ганжи  
Менда бор, бу — иноятидур унинг.  
Йўк зарар дил билан мен ўлсак хам,  
Касдимиз тан саломатидур унинг.  
Бўлмагай ҳеч хаёли кўздан узок,  
Чунки бу бурчак хилватидур унинг.  
Берса оро чаманга хар янги гул,  
Бори таъсир сухбатидур унинг.  
Ўзи йўксил кўринса хам Хофиз,  
Кўкси ганжи мухаббатидур унинг.

\* \* \*

Зоҳидо, айлама риндларга гунохкорча хитоб,  
Бошқаларнинг гуноҳи-чун сени килмайди итоб.  
Яхшиман, хох ёмонман — ўз ишингни ўнгла,  
Хосил эканникидир, сен бу учун олма ҳисоб.  
Масту хушёр — хама одамга талабдур дилдор,  
Фарқи йўк — севги уйи масжиду хам дайри хароб.  
Май уйининг эшиги тупрогига бош тутдим,  
Кимки сўз укмас, хишт-ла бошига урса савоб.  
Мени кўрkitма азал ёзмишин айлаб такрор,  
Маълум эрмас сенга ким яхши эрур, ким нобоб.  
Зухду такводан узок бўлгучи ёлғиз мен эмас,  
Балки жаннатдан отам четлатгали килди шитоб.  
Тоатинг мактама, эй сўфийки, такдир калами  
На билурсан, нима деб номинг атаб ёзди китоб?  
Яратилмоқда бу бўлсанг — жуда тоза аслинг,  
Бу эса сенда табиат жуда хам олижаноб.  
Бўлса жаннат боғи хам канча ёкимли, лекин,  
Бил: ганимат сенга тол сояси хам жоми шароб.  
Хофизо, олсанг ўлим чогида кўлга бир жом,  
Борасан тўгри бихишт боғига — кўп чекма азоб.

\* \* \*

Шаробу айш надур ёшрин айламак бунёд,  
Кўшилдик ринд сафига — энди фойдасиз фарёд.  
Юрак тугунларини еч, фалакни ўйлама ҳеч,  
Ечолмади бу тугунни бирор етук устод.  
Кадахни тутгил адаб шартларин риоя килиб,  
Бу коса таркиби Жамшиду Бахром ила Кубод.  
Каёнга Жамшиду Кай кетдилар — биров билмас,  
Ким англагай — не учун бўлди тахти Жам барбод?  
Кўзимнинг олдидаким: Ширин ишқу хасратидан

Етарди лолазор ичра ватан тутиб Фарход.  
Магарки лола жахон бевафолигин билди  
Келиб-кетиб, кўлидан шиша бўлмади озод.  
Узокка кетгали менга ижозат бермаслар,  
Кўнгилда завки Мусаллою нахри Рукнобод.  
Дафу чанг овози остида соф бодани ич,  
Севинч инакларидан килди пардасин ижод.  
Етишди ишки гамида не етса Хофизга,  
Замонанинг кўзи ошикка солмасин бедод.

\* \* \*

Юзларинг акси тушиб бода тўла жом ичра,  
Кулди май, сўфийни кўйди тамаъи хом ичра.  
Топди май шуъласидан хониш ила нагма ривож  
Тушди бир нурки сокий юзидан жом ичра.  
Гайрати ишк кесар хос кишиларнинг тилини,  
Йўкса ким фош этадур сирни элу ом ичра.  
Багри ёнган мен-у, дилбар караши бошка менга  
Бу гадога нима лойик кўрур инъом ичра.  
Тўгри кўргучи етар поклик ила максадга,  
Эгри кўргучи тушибдур тамаъи хом ичра.  
Уйнаб-ўйнаб, уни гам тигини кутмак лозим,  
Ким унинг-чун бўладур яхши саранжом ичра.  
Осилиб зулфингга ул чохи занахдон чикди,  
Охки, чохдан кутулиб, тушди яна дом ичра.  
Мени кўрсанг керак, эй сўфий, ибодат уйида,  
Фикримиз сокий юзию кўзимиз жом ичра.  
Мен харобот сари кетмасдим ибодат уйидан,  
Солди такдир мени бу колга элу ом ичра.  
На килур юрмаса гардиш четида паргордек,  
Тушса хар кимсаки бу гардиши айём ичра.  
Сўфийлар барчаси бир фикрдадирлар, лекин,  
Колди бу ўртада Хофиз номи бадном ичра.

---

Дилбар кетиб, асирларига килмади хабар,  
Йўлдошу тенгларин унутиб, айламиш сафар.  
Бахтим унутди ёки мухаббат йўсинлари,  
Ё ташламас нигор хакикат сори назар.  
Мен шамъдек туриб тиладим: жон фидо килай,  
Мен сори тонг шамоли каби эсмас у магар.  
Килсам фигон — бўлурми дили мехрибон? - дедим,  
Ёмгир у тош юракка килурми экан асар?  
Хар ким юзингни кўрса, уни бўса этди кўз,



Ушбу бахона бирла кўзим бўлди бахравар.  
Хайронман — улфат ўлди нечун у ракиб билан,  
Бир жойда сакламас-ку киши мунчогу гавхар.  
Хофиз, тили кесик каламинг анжуман аро  
Айтмас сиригни кимсага, бош кетса хам агар.

\* \* \*

Хар нафас хажр аламидан чекаман юз фарёд,  
Сенга ел нолами еткурмаса, гам менга зиёд  
Не килай айламайин нолаю фарёду фигон,  
Бўлмасин ҳеч кишининг ваъзи менингдек барбод.  
Туну кун кон ютаман — бошка иложим йўқдир,  
Ой жамолингдан узок мумкин эмас бўлмок шод.  
Сен қачон бўлдинг узок мен каби дилсўхтадан,  
Кон булогини кўзим килди кўзимда бунёд.  
Кипригим решасидан кон томадур юз катра,  
Айриликинг гамидан чекса дил оху фарёд.  
Кечди Хофизга сени ёд этиш ила тун-кун,  
Сен-чи, бу кул гамидан бўйла тамоман озод.

\* \* \*

Дедим: Гаминг чекарман. Деди: Ўтар бу гам хам  
Дедимки: Менга бўл ой. Деди: Чикар бирор дам.  
Дедим: Вафолилардан ўрган вафо йўлини.  
Деди: Гўзал санамда меҳру вафо бўлур кам.  
Дедим: Сочинг иси-ла йўлдан бутун адашдим.  
Дедики: Бандалик эт — бўлгай нигор хотам.  
Дедимки: Тоза кўнглинг бўлгай қачон мулойим?  
Деди: Жафога сабр эт, шояд етар ўшал дам.  
Дедим: Хаёлинг ила термулди кўз йўлингга.  
Дедики: Тун юрарнинг сўкмоги бошка олам.  
Дедим: Ажаб хаво бу — жаинатдан эсди гўё.  
Деди: Бу ёр саридан эсган шабада — кўклам.  
Дедим: Лабинг майининг орзуси бирла ўлдим.  
Дедики: Сабр килсанг, бўлгуси дардга мархам.  
Дедимки: Айшу сухбат, кўрдинги, қандай ўтди?  
Деди: Жим ўлки, Хофиз, кечгай бу кайгу — мотам.

\* \* \*

Хар нечаким юзларинг ой, кунга нисбат килдилар,  
Суратинг кўрмай туриб, тахмин-ла тухмат килдилар.  
Ишкимизнинг шўришидан зарра миқдориндадир  
Хар наким Фарходу Шириндан хикоят килдилар.

Жон багишлар юзи гулларнинг оёк гарди иси,  
Онглилар ундан димогин чогу рохат килдилар.  
Карга, кузгун ов учун боглаб бокишга арзимас,  
Лочину киргийни аммо шундай иззат килдилар.  
Бокмангиз риндларни тахкирлаб, сафол деб косаси,  
Бу харифлар жоми Жам базмида хизмат килдилар.  
Килмади мужгон ўки хам жодутар афсунлари,  
Жаврларким, зулфу мушкин холинг одат килдилар.  
Бизга бир бўса етарди — килмади рухсат лабинг:  
Бу ширин лаблар мудом шундай ишорат килдилар.  
Сокиё, май бер — азал такдирининг тадбири йўк,  
Хеч бир ўзгармаслигин таъкиду хужжат килдилар.  
Ўтли, пардозли юзи бирла гўзаллар дам-бадам  
Сўфийларнинг дил билан диниини горат килдилар.  
Мактади эхсонларинг шеърида Хофиз хар қачон,  
Тинглаганлар шеърини тахсин-у рахмат килдилар.

\* \* \*

Офтоб каби хар кўзга юзинг жилвагар ўлсин!  
Хўбликда юзинг хўблиги хар он дигар ўлсин!  
Давлат куши — лочин пари янглиг каро зулфинг  
Дунёдаги шохлар бошида тожи сар ўлсин!  
Хар дилки, сенинг зулфинга банд ўлмас экан, у  
Бўлсин жигари кон, ўзи ундан батар ўлсин!  
Гамзанг ўки ёгса, санамо, бошима хар дам,  
Ул ўк қошида гамзада кўнглим сипар ўлсин!  
Бир бўса менга ушбу шакар лабдан эт эхсон,  
Жон коми унинг лаззати бирла шакар ўлсин!  
Хар лахза менга янгиланур шавк ила ишкинг,  
Хар дамда сенинг равнаки хуснинг дигар ўлсин!  
Хофиз дилу жони ила дийдорингга мушток,  
Бир бок унга — эхсонинг ила бахравар ўлсин!

\* \* \*

Юзингдек ёркин ой осмонда хам йўк,  
Кадингдек сарв хеч бўстонда хам йўк.  
Лабингдек лаъл йўк — дил этгучи шод,  
Тишингдек тоза бир дур конда хам йўк.  
Лабинг жонбахш райхон орасида —  
Бу хислат чашмаи хайвонда хам йўк.  
Сенга бир тан тенг ўлмас бу жахонда:  
Тан эрмас, ушбу тенглик жонда хам йўк.  
Эрур Хофизни шеъри ширин, аммо,  
Ширинлик ёр лабидек онда хам йўк.

Кўнгилда лабингни шавки, жоно,  
Лаълингдан унга недир таманно.  
Шавкинг майи, севгининг итроби  
Дил шишасида бори хувайдо.  
Зулфингни асирларига доим  
Дард ила балони доми маъво.  
Дилдорим оти недир, сўрардим,  
Менга сира учрамас у барно.  
Андиша килувчи юрту элдан  
Ёри ила ўлтиролмас асло.  
Шод ул кишининг дили хамиша,  
Дилдор ила айши бўлса барпо.  
Бир ноз ила ов килишга дилни,  
Гул узра бинафша бўлди оро.  
Хофиз, шу кўнгилли дам ганимат  
Асбоби тараб бори мухайё.

\* \* \*

Сахарда булбул арз этди сабога,  
Гул ишки нетди, деб биз бенавога.  
Эрурман нозанин эхсонига кул,  
Килур у яхши иш кетмай риёга.  
Хайрли бўлсин унга тонг шамоли,  
Даво килди тун уйгок бедавога.  
Сира бегоналардан нолимасман,  
На бўлса — етди дўстдан ошнога.  
У сунбул зулфи гулдан парда очди,  
Тугундан гунча чикди соф хавога.  
Юзу рангин кўриб, кон бўлди кўнглим,  
Дучор ўлдим тикан отлиг балога.  
Килур хар жойда булбул оху афгон,  
Маза бу ўртада боди сабога.  
Кутиб султондан эхсон янглишибмаи,  
Жафо кўрдим ялингач бевафога.  
Бориб май соткучига хуш хабар бер Ки,  
Хофиз юрмагай энди риёга.

\* \* \*

Билсангки, чангу уд неларни килур баён,  
Таъзир этилмайин десанг, ич бодани нихон.  
Элтарлар ишк номусин, ошикнинг равнакин:  
Ёшларни айбу чолни килиб таънага нишон.  
Дерлар: бу севги сирин эшитманг-у, сўзламанг,  
Мушкул хикоядурки, килурлар уни баён.

Биз ташкарида алданамиз макру хийлага,  
Парда аро улар нима тадбирда бу замон.  
Пири мугонни вактин олиб, ташвиш орттирар,  
Кўргил, мурид пирга на килмокчидир бу он.  
Юз дилни бир бокиш ила мумкин сотиб олиш,  
Хўблар тагофул айлади бу ҳақда хар қачон.  
Бир канчалар уринса тилаб ёр васлини,  
Такдир иши, дегай, уни бир канчалар ҳамон.  
Бўл эхтист, инонма, бу оламда йўк сабот,  
Хар дамда ўзгарувчи бир ишхона бу жахон.  
Май ички, шайху Хофизу муфтию мухтаеиб  
Алдарлар, англасанг, кўринур макрлари аён.

\* \* \*

Дилим олгач, юзини килди пинхон,  
Ўйин килмас бу хил дўстга кадрдон.  
Мени ёлгиз топиб, қасд этди жонга,  
Хасли килди менга катта эхсон.  
Бошим бўлди огир наргисларидан,  
Нега дил бўлмасин лола каби кон?  
Сабо, гар чора бўлса, вақти — кўрсат,  
Бу муштокликни тортиб, битди дармон.  
Мени бир шамъдек куйдирди, менга  
Сурохий йиглаб, этди чолгу афгон.  
Демак мумкин эмас ҳеч меҳрибонга  
Бу хил сўзлар, бу хил иш килди жонон.  
Килолмас бундай иш Хофизга душман:  
Қачон ё(й) кошлар отса тири мужгон.

\* \* \*

Ул кимки, эхсон йўлидан менга вафодорлик килур,  
Мендек ёмонлик ўрнига, бир лахза гамхорлик килур.  
Соз айлаб аввал нагмани, дилбар сўзин менга дегай,  
Ул дам суниб бир коса май, менга харидорлик килур.  
Дилбарки, жоним ёқди у, куттглимга тўлган орзу,  
Будир умид — ул жавржў, шоядки, дилдорлик килур.  
Дедим: Юракда гам тугун, зулфинг яна айлар забун.  
Деди: Мен айтдим, шул учун ул сенга таррорлик килур.  
Ул малла тўн кийган дагал, севги ишидан беҳабар:  
Бер унга мастликдан хабар, то тарки хушёрлик килур.  
Мушкул топишлик ошно, мендек нишонсиз бир гадо,  
Султон қачон кўриб раво, риндлар-ла майхорлик килур.  
Майли, неча кўрсам ситам, ул жингалак сочдан бу дам,  
Занжир зулфидан, не гам, хар канча айёрлик килур.

Ул кўзда кўп найранг бор, Хофиз, ҳеч этма ихтиёр,  
Тундек каро сочли нигор хар турли маккорлик килур.

\* \* \*

Сарви равоним не учун килмайди ҳеч майли чаман?  
Бўлмайди ҳамдам ул билан, ёдига келмайдур суман?  
Кўп вақт эрур дайди дилим боғланди-кетди зулфига,  
Ушбу узок сайридан у килмайди ҳеч азми ватан.  
Ё кошларин каршисида канча хушомадлар килай?  
Бермайди ҳеч сўзга кулок, доим тагофул килди фан.  
Гарчи бинафша зулфлар тўзди шамол ила бу чок,  
Кўнглим унинг ёди билан кайтмайди ҳеч ўз ахдидан.  
Ёғди этаклардан гулоб, хайрон эрурманким, сабо  
Ўтган йўлин туфрокларин килмас нега мушки Хўтан?  
Лойик кўриб сокий агар сунса тўла коса захар,  
Ким май каби ичмас уни, бўлмай огиз жону бадан?  
Рухсори орзусида дил жон бирла ҳамдам бўлмади —  
Тан хизматин килмайди ҳеч, жондир унинг шавки билан.  
Мен зулфидан килдим гила, хийла йўли-ла у менга  
Дедики: Бу эгри кора олмас сўзимни ҳеч қачон.  
Тортгил кўлинг, килма жафо, окмиш кўзимнинг ёмгири —  
Кўз ёшларим килмай мадад, бўлмайди ҳеч дурри Адан.  
Гамзангга бўлмишдир фидо, Хофиз ўғитни тингламай,  
Тиг ила ўлмакка сазо хар кимки сўз укмас экан.

\* \* \*

Домлалар минбар уза сўз килса такрор ўзгача,  
Айлағай хилватда турли фитна бедор ўзгача.  
Ушбу мажлисининг билимдонига бор мушкул савол:  
Тавба бергучига тавба не учун ор, ўзгача?  
Милдир ўз эшакларига янги бойларни бу чок,  
Кул хачирга фахр этиб, ноз айлар изхор ўзгача.  
Хонакохнинг соили, кел, ўтпарастлар дайрида  
Бир қадах-ла дилни айла бою дедор ўзгача.  
Хусни бепоёни канча ошикин килса халок,  
Янги ошиқлар келиб, бўлғай гирифтор ўзгача.  
Дод шу гавхар билмаган саррофларнинг дастидан —  
Ким, эшакмунчокни дур дсб, килди бозор ўзгача.  
Аршдан тонг чогида келди товуш, акл унга дер:  
Ёд олур кўкда малак Хофиздан ашъор ўзгача!

\* \* \*

Гўзал гул чоги яшнара тоғу чўллар,

Керак бу чоғда бўлсин кўлда соғар.  
Кўнгилни айлагил бир лахза хурсанд,  
Садафда доимо бўлмайди гавхар.  
Ганимат бил — гулистон ичра май ич,  
Иккинчи хафта гулнинг холи дигар.  
Кизик севги йўликим, ушбу йўлга  
Бош урганларда бош колмае мукаррар.  
Менга хамдарс эсанг — йиккил варақни,  
Бу ишк илмини билдирмас у дафтар.  
Ушандай ёрга дил болагилким,  
Жамоли бўлмасин мухтожи зевар.  
Кел, эй шайх, бода ич гамхонамизда,  
Уялсин ушбу майдан хавзи Кавсар.  
Кизил май бирла олтин жомни тўлдир,  
Багишла кимки эхсонингни истар.  
Худо ҳақки, кумуш танли бутим бор,  
Бу хил бут кўрмагандир балки Озар.  
Деса Хофизни шеърин кимки янглиш,  
Етишмас акли: недир тоза гавхар?

\* \* \*

Бу кеча майкадада базму айш фаровон эди:  
Хурушда сокию кундуз каби чарогон эди.  
Эмасдур ишк сўзи овозу харфга ҳеч мухтож,  
Хурўшга солгучи най, дафлар этган афгон эди.  
Бу телбалар йигинида на ўтса бахсу жавоб,  
У мадраса хақида килу колу дoston эди.  
Кўнгил кувончда эди сокийнипг карашмасидан,  
Бу бахт кайтмоги бир оз кўнгилга армон эди.  
Аникладим: у икки маст жоду кўзларни  
Сехрчи сомирийнинг минги банда фармон эди.  
Дедимки: Менга лабингдан хавола кил бўса,  
Кулиб дедикки: Качон бизда бунча бўлгон эди?  
Аникки, бахту саодат менга юз очди кеча —  
Ой ила ер юзи бир-бир билан гилахон эди.  
Ул ой лаби эди Хофизни дардига дармон,  
Карам чоғида бироқ дўстига камэхсон эди.

\* \* \*

Мен номоз ичра шу кайрилма кошнинг этдим ёд,  
Бўлди бир холате — меҳроб ҳам этди фарёд.  
Энди, дил, шодлигу сабрни мандан кутма,  
Сабру оромки, кўрган эдинг — ўлди барбод.  
Бода — хўб, тоза чаман, кушлари бўлмишлар маст,

Ишк эли даври келиб, бўлди хама иш бунёд.  
Яхшилик ислари келмоқда жахонда менга хам:  
Гул кувонтирди мени, боди сабо айлади шод.  
Эй севинчлар келини, килма замондан хасрат,  
Пардалар тут, безат уйники, келибдур домод.  
Дилни банд этган ўсимлик бори зийнатланмиш,  
Ёримиз хусни эрур аслида хам шунча зиёд.  
Узининг юклари остида қолиб барча дарахт,  
Хайрият, гам юкидан сарв бўлибдир озад.  
Уки, эй чолгучи, Хофиз газалин яхшисини,  
Токи аввалги кувончли чоғими айлай ёд.

\* \* \*

Кўл тортмагум тилакдан лутф этмагунча дилбар,  
Ё жон кетар танимдан, ё васл бўлур муяссар!  
Улгач, очиб мазорим, боккил ўлик танимга,  
Багрим ёниб, кафандан кўкка чиқар тутунлар.  
Кўрсат юзингни, жонон, танг колсин ахли олам,  
Оч лабни — эр-асллар килсин фигон баробар.  
Жон лабга келди, кўнгул хасратдадир лабингдан,  
Максадга восил ўлмай жон чикмоғи мукаррар.  
Оғзиини шавки бирла кийналди хаста жоним,  
Йўксиллар ул оғизда ҳеч ёд этилмагайлар.  
Ед айласа ошиқлар яхнш сифатларини,  
Хар ерда, хар йигинда Хофизни номи янграр!

\* \* \*

Умрим юзингни нури билан доимо баҳор,  
Кел, кел, юзингсиз ўлди хазон ушбу лолазор.  
Бир зарра ташвиш этмас ўлимда у кимсақим,  
Топган эса лабинг майидан умрига мадор.  
Лойик ағар кўзимдан оқар сел бўлиб ёшим,  
Жоним яшин каби гаму дардингда бекарор.  
Беумр мен тирикман — ажабланма бунга ҳеч,  
Ким айриликни умр дебон берди эътибор?  
Пойлайди хар тарафда фалокат кўшинлари,  
Ўтмақда умр, колмади илгингда ихтиёр.  
Дийдор ағар бир-икки нафас бўлса муддати,  
Бир йўлни топки, умри азиз ўтмагай бекор.  
Майхўрлик ила тонг чоғи уйку қачонгача?  
Уйгонки, умр ўтиб борадир олмайин қарор.  
Суръат билан ўтар эди, бокмасди қайрилиб,  
Умр ўтди-ю, дил ўлмади бир зарра бахрадор.  
Хофиз, гапир, бу оламаро сўз дурини соч —

Дунёда колгуси каламингдан шу ёдгор.

\* \* \*

Эй сабо, ёр хидидан рухи равонимни кетур,  
Хастаман кайгу билан — рохати жонимни кетур.  
Тилак олтинларига тўлдир бу йўкеил дилни,  
Яъни дўст даргохидан яхши нишонимни кетур.  
Мунтазир кўз уига, кўнглимда уруш этди давом,  
Кош ила гамзасидан ўку камонимни кетур.  
Кимсасизлик гами хам хажр билан кексайдим,  
Тез менга бода тўла жоми жавонимни кетур.  
Инкор этгучига сун бир-икки жом бу майдан,  
Истамас бўлса, менга рухи равонимни кетур,  
Сокиё, эртага кўйма бу кун айшин зинхор,  
Ёки такдир кўлидан хатти амонимни кетур.  
Колмади дилда қарор илгаридан. Хофиз дер:  
Эй сабо, ёр хидидан рухи равонимни кетур!

\* \* \*

Тургил, олтин косани май куйиб, обод айла,  
Тўлажак бош косаси тупрок ила — ёд айла.  
Охири манзил экан бизга шу жимлик водий,  
Еру осмонга солиб гулгула — фарёд айла!  
Шу бошинг хурмати, эй сарв, гар ўлсам тупрок,  
Нозни кўй, соя солиб, тупрогими шод айла!  
Дилга етган сенинг ул зулфинг илонидан алам,  
Кил лабинг унга шифо, дардидан озод айла!  
Кўз ёшим бирла ювиндим, бунга дер дарвешлар:  
Тозалан аввал ўзинг, покни кейин ёд айла!  
Ё Раб, ул зоҳиди инжикки, кўрур айбни факат,  
Фахму идрок йўлига уни иршод айла.  
Фикри ифлоснинг кўзи тушмас ул жонон юзига,  
У гўзал юзни дилинг нок тутиб ёд айла.  
Гулдек ул гул исидан тунни кабо кил, Хофиз,  
Тунни пояндози ул комати шамшод айла.  
Бу жахон гулшанидан ул юзи гул раъно бас,  
Бу чаманда у кади сарви равон танхо бас.  
Тилагим ахли риё еухбатидан бўлмок узок  
Хам ёкимсиз кишидан менга кадах сахбо бас.  
Килмишингга яраша бергусидир жаннатни,  
Биз гадо — риндга муг дайридаги маъво бас.  
Бир аригнинг лабида ўлтир-у, кўр умр ўтишин,  
Дунё қандай ўтишига шу қадар имо бас.  
Бок жахон холига хам кўргил унинг озорин,



Сенга кам бўлса, менга фойда-зиён савдо бас.  
Ёр мен бирла эрур — бошка на бўлсин тилагим,  
Давлати базми агар бўлса кўнгулоро бас.  
Кувма, Тангри хаки, жаннат сари даргохингдан,  
Остонанг менга борликдан эрур аъло бас.  
Менга ёлгиз сени васлинг-у, йўк ўзга хавасим,  
Айладим икки жахон моли билан савдо бас.  
Хофиз, ўз такдиридан ранжимак инсофсизлик,  
Мен учун табъи равон-у, газали зебо бас!

\* \* \*

Тол ости, сув лабида шеър ила олдингда ёр ўлсин!  
Хам улфат дилбари ширин-у, ёри гулъузур ўлсин!  
Аё, эй бахт ила давлат, шу давлат кадрига етгил,  
Муборак бўлсин айшинг, хам бу дамлар пойдор ўлсин!  
Келин табъимга нозик фикр дурру гавхарин такдим,  
Замона бокса — бўйнимда илондек зулфи ёр ўлсин!  
Ганимат англа сухбат тунларин, бўл доимо дилхуш,  
Очилмиш лола, ойдин тунда ишрат баркарор ўлсин!  
Нечук майдур у сокий кўзларининг косаси ичра —  
Ки, окилларча маст этсин, ширин унда хумор ўлсин!  
У одамларки, бир дилбарнинг ишкин дилда саклабдир,  
Дегил: исрик тутатсин, кўзлагучи шармсор ўлсин!  
Ўтибдир умр, эй Хофиз, кел, этгил, азми майхона,  
Иш ўргат мастларга — яхши ишларда барор ўлсин!

\* \* \*

Ўз бахтимизни биз синадик бу сахар аро,  
Тортиб олиш керак — у ётар хавфли жар аро.  
Бармокни тишлаб ох чекарман, шунинг учун  
Ўтлар ёкилди гул каби жону жигар аро.  
Хуш келди менга тундаги булбулнинг хониши,  
Ўз шохларини чирмади гул барглар аро.  
Шод ўлгил, э кўнгилки, у нозу итобли ёр  
Ўз бахтидан итобда колур бу сахар аро.  
Дунёда хеч машаккат, азоб тортмайин десанг,  
Ахдингда тур, сўзингни ботирма захар аро.  
Бетинч килувчи ходиса чекса фалакка бош,  
Такдирин онгли кимсалар отмас зарар аро.  
Хофиз, агарда васл абадий бўлса баркарор,  
Колмасди Жамшид тахтидаи ажраб, хатар аро.

\* \* \*

Ажаб Шерозким, йўқдир мисоли.  
Худоё, бўлмасин харгиз заволи!  
Бу Рукнобод еуви тахсинга лойик,  
Берур Хизр умрини салкин зулоли.  
Мусалло, Жаъфаробод орасида  
Эсар мушк ила анбардек шамоли.  
Келиб Шерозга, ол файзу шарафлар,  
Жуда кўпдир азиз сохибкамоли.  
Кигаида Миср кандин ёд этарга  
Ширинлар олдида колмас мажоли.  
Сабо, ул шўх гўзал, мастлар хакида  
Не билгайсан, нечук онларни холи?  
Мени бу уйкудан уйготмангиз ҳеч,  
Дилимни шод этар ширин хаёли.

\* \* \*

Мисоли тонгсан-у, мен шамъдек бўлибман адо,  
Кулиб қарар, нечук этгум бу жонни сенга фидо.  
Шу зулфинг ўлди сабаб — тушди дилга хар неки доғ,  
Гўримдан унгуси ўлсам бинафша бирла кино.  
Умид остонида кўз эшигин очган эдим,  
Бир айладинг назар — олдинг кўзим каросида жо.  
Нечук шукр қилай, эй гам сели, кечирсин  
Хак Ки, мендан лмас эдинг кимсасиз чоғимда жудо.  
Кўзим карочигига кулман — унга дил дардин  
Дегач хамиша у минг томчисини қилди даво.  
Нигорим айлади жилва хама назарга вале  
Карашмасини кўролмайдим кимса менча расо.  
Шамолдек ўтса ёрим қабрим устидан Хофиз,  
Қафани шавк ила албатта йиртаман гўраро.

\* \* \*

Кел, энди гул сочиб хар ён, қадах кўлда ўтургаймиз,  
Бузиб чарх эски томин, янги бир тарх ила кургаймиз!  
Агарда тортса гам лашкар тўқишга ишк эли конин,  
Мен-у сокий бўлиб бирга, бу ташвишни битиргаймиз.  
Эрур кўлда гўзал чолгу — ёкимли қуйла, созанда,  
Ўқуб шеър-у, оёқ раксини авжига кетургаймиз.  
Сабо, элт жисмимиз гардин у юксак остон сори  
Ки, шояд хўблар шохи юзин бир бора кўргаймиз.  
Бири аклидан ургай лоф, бири доим тўкир ёлгон,  
Кел, арзу додимизни энди хокимга гапургаймиз.  
Агар жаннат тиларсан, биз билан майхонага юргил,  
Сени хумнинг тагидан хавзи Кавсарга етургаймиз!

Кадахни тўлдириб лим-лим кизид гул сингари майдан,  
Сочиб атр, уд тутатгаймиз, улуг бир базм кургаймиз.  
Ксл, эй жонон, юзинг нури билан мажлисни порлатгил,  
Кошингда шеър ўкуб бу дам, оёгингга бош ургаймиз!  
Билимдонлик ва хугихонлик эмас Шерозда ҳеч манзур,  
Кел, эй Хофизки, биз юзни бўлак юртга ўгургаймиз.

\* \* \*

Гариблик тунида хамдам оху фарёдим,  
Гариблик гаму хасратларидир ижодим.  
Диёру ёр хаёлида зор йигларман,  
Сафар отин йўқотиш бўлди фикр ила ёдим.  
Ракиб юртидан эрмас, у ёр элидан мен,  
Рафикаларимга етур — меҳрибон кил имдодим.  
Худо учун менга, йўлбошчим, айла энди кўмак  
Ки, майкада аро шухрат-ла айласин ёдим.  
Агарчи кексаман, аммо хавас бунга бокмас,  
Яна у ёш пари ишкига бўлди иршодим.  
Мени сабо шамолидан бўлак киши танимас —  
Хаводан ўзга на улфат, на дўсту хамрозим.  
Хаёт суви кабидур ёр манзилин шавки,  
Сабо, кетур менга Шероз исин — кил имдодим.  
Кўзим ёши тўкилиб юзга, сиррим айлади фош,  
Хамиша мен ила гаммоз хонабарбодим.  
Дср эрди чанг чолиб Зухра юлдузи тонгда:  
Гўзал товушли, ширин сўзли Хофиз устодим.

\* \* \*

Менга еткурди кискакўллик озор,  
Баланд остоналиклар тутдилар хор.  
Магар тутгай кўлим бир зулфи занжир,  
Бош ургум йўкса шайдоликка ночор.  
Фалакнинг холини сўр кўзларимдан,  
Кечар юлдуз санаб тунларда бедор.  
Ўпарман жом лабини шу учунким,  
Тириклик сирридан килди хабардор.  
Кўлим кучсизлигидан шод эрурман:  
Етишмас бир кишига мендан озор.  
Дуо килсам агар май соткучини,  
Не бўлгай, мархаматга шукр даркор.  
Мени ердан кўтармайсан, агарчи —  
Ёш ўрнида килурсам гавхар исор.  
Бу даштда кўйма йирткич деб менга айб,  
Олур таълимларим охуйи тотор.

Бошим Хофиз каби мастдир ва лекин  
У бошлик лутфидандирман умидвор.

\* \* \*

Мен эмасдурман у ринд — тарки маю дилдор этай,  
Мухтасиб билгай, бу ишдан мумкин эрмас ор этай.  
Лола жом ушлаб, бўтакўз маст, биза фосик — от,  
Дардларим кўн — кайси хокимга уни изхор этай?  
Майкада — дарё-ю, севги — гавхар-у, изловчи — мен,  
Бунда бош эгдим, шу холда кайгача исрор этай?  
Гарчи тупрокка корилдим, химматим кўймас мени:  
Кўз булогидан тўкиб сув, канча оху зор этай?  
Хайъатим мисли гадо — у кўлда султон хазнаси,  
Чарх эхсонидан ўзни кандай уммидвор этай?  
Бу фалакнинг ахд ила паймонида йўк эътибор,  
Ахдни жом ила тузиб, май шартини такрор этай.  
Торт жиловни, тур бир оз, кўзгатма, жоно, жилвалар,  
То йўлингга кўзни дурру гавхарин исор этай.  
Мен учун ҳеч лойик эрмас эрди риндлик шеваси,  
Тушгач ушбу холга, нечун, ўзгалардан ор этай?  
Тавба килгонларни доим айблаб юрган эсам,  
Гул чоги, девонаманми, бодадан инкор этай?!  
Кўз ёши ёкуту- лаълидан хазинамдир тўла,  
Бас, куёш файзу зарини не учун даркор этай?  
Кошларинг мехробиини бахтимдан айларман татаб,  
Унда Мажнун янглиг ишкинг дарсини такрор этай.  
Ушбу лаблар ишва айлар эрди Хофизга мудом,  
Не учун афсонага бовар килар, икрор этай?

\* \* \*

Тонг отди, сокий, жомни лик-лик шароб кил.  
Чарх айланишнга ҳеч бир ишонч нўк — шитоб кил.  
Фоний жахон хароб ўладур, ундан илгари  
Гулранг бодалар била бизни хароб кил!  
Хуршиди май чикарди бошни шиша шаркидан,  
Кувнок бўлишни истар эсанг, тарки хоб кил.  
Ул кунки, лойимизни фалак кўза айлагай,  
Албатта бошимиз косасин лик шароб кил.  
Биз лофу тавба пархез этувчи киши эмас,  
Тоза шаробу жом ила бизга хитоб кил.  
Оч кўзни, яхши бок: кўпирибдир кадах юзи.  
Дунё асосини шу кўпикдек ҳисоб кил.  
Гул мавсуми-ю, умр ўтишга шошилдилар,  
Гулранг майингни сунгали сокий, шитоб кил!

Хофиз, эшитки, майга топинмок эрур савоб,  
Тур, вақтни кочирма-ю, тезда савоб кил.

---

\* \* \*

Этдим табибга гамларни чандон,  
Мискин гарибга килмайди дармон.  
Хар дам тиконнинг кўлида бўлди  
Булбулга бокмай гул юзли жонон.  
Биз дардимизни дилбарга айтдик,  
Йўқдир табибдан ёшришга имкон.  
Дўстлар юзини кўрсин яна дўст,  
Ё Раб, омон тут, кил лутфу эхсон!  
Ишк сандигини кулфи бузилмиш,  
Еткузмасин кўл агёри нодон.  
Эй ёр, васлинг неъматларидан  
Бизга насиба афсусу армон.  
Бўлмасди Хофиз дунёга шайдо,  
Доно сўзини олганда хар он.

\* \* \*

Яна риндлар сари бир айла назар яхшигина,  
Яна майхона томон айла гузар яхшигина.  
Мени хаккимда лабинг шул кадар этган эхсон,  
Жуда хам яхши бир оз ошса агар яхшигина.  
Эй жахоннинг чигалин ечгучи доно одам,  
Фикр бер, айла бу ишларни басар яхшигина.  
Деди носихки: Недир ишқда гамдан ўзга?  
Дедим: Эй муллаи гофил, шу хунар яхшигина!  
Гар десам сенга кадах ол-у, пиёла лабин ўп,  
Мендан ўзга бера олмас бу хабар яхшигина.  
Териб олгил, берадур меваки, Хофиз калами,  
Йўк бу бог мевасида бундан ўтар яхшигина.

\* \* \*

Коронгумизни эшиқдан кириб мунаввар кил,  
Шу мажлис ахли димогини хам муаттар кил.  
Дилу жон этдим у жононни кош-кўзига фидо,  
Кел, эй нигор, тамошойи току манзар кил.  
Шу хусн ила шу гўзалликки, сенда бор, келгил,  
Факирлар айшига жон киргизиб, тавонгар кил!  
Бихишт хозинига айт, бу базм тупрогини

Бихишт ичра олиб бор-у, уди-анбар кил.  
Висол накдин умид айламокка йўқдир хадимиз.  
Лабингга изн бериб, комимизни шаккар кил.  
Чаман гўзаллари хуснингга бўлдилар мафтун.  
Суманга ноз-у, кадинг бандаси санобар кил.  
Бу хажр окшоми юлдузлари ёруг бермас.  
Чик энди том уза — ой шамъини мунаввар кил!  
Хикоят айлар ўзига бино кўпиб сокий,  
Ишингни бузма, хаёлинг шаробу согар кил.  
Ўпиб пиёла лабин, мастларга сун ўша дам,  
Акл димогини шу лутф ила муаттар кил!  
Насихат этса, май ичманг, дер эрса донишманд,  
Пиёла сунгил-у, этгил: томогингни тар кил!  
Юзингни шуъласидур сезги кўзига парда,  
Куёшни чодирига бас келиб, мунаввар кил!  
Нигор ишрату ишкин бажо кетир, сўнгра  
Ўзингга Хофизи Шероз шеърин аз бар кил!

\* \* \*

Бу жандапўшлар ила бўлма хамдам,  
Ўгирма риндлардан юзни хар дам.  
Эрур бу жанда тўн гоятда ифлос,  
Эрур пок майфуруш кўнгли, дили хам.  
Килурсан мастлик, ёшрин ўтурма —  
Ичирдинг бода, ютдирма захар хам.  
Чидолмайсан — тананг гоятда нозик,  
Хазар кил — малла тўнлар мушти бардам.  
Эрур бедард бу сўфийнамолар,  
Май ичганлар бўлишеин шоду хуррам!  
Лаби майгун-у, мастона — кўзинг оч,  
Сенинг шавкинда май кайнар дамодам.  
Келиб бу хийлагарлар ёлгонин кўр:  
Кадахнинг багри кон, чолгуда мотам.  
Хайик Хофиздаги ўтли юракдан,  
Козондек кўкси кайнар, кўнглида гам.

\* \* \*

Хўблар шахи, бир бок — бу гадойингаи ризо кил,  
Куйган бош-оёксизга карам айла, вафо кил.  
Бир бокмогинг орзуси бу йўксил дилидадир,  
Бок гамзадага: маст кўзинг оч — рамзу имо кил.  
Бахслашса гўзалликда жамолинг-ла тўлин ой,  
Кўрсат юзунг-у, халкка танит, юзи каро кил.  
Эй сарви равон, бир нафасе богу чамандан

Базм ичра келиб деки: тўнинг йирт-у, кабо кил!  
Парвонаву шамъу гулу булбул йигилибдур,  
Ёлгузлама, жоно, келиб айшимни расо кил!  
Дил бергучига токай ўлур жабру жафолар,  
Бир айла вафо Тангри учун, тарки жафо кил!  
Тангри хаки, душманларинг игвосин эшитма,  
Хофиз каби ўз йўксилингга лутфу ато кил!

\* \* \*

Дилим зулфинг учида тутди маскан,  
Куйи солма, синур, дилбарлик эт фан.  
Агар зулфинг каби тортса кўнгул бош,  
Кўлингга ол, оёкка солма бошдан.  
Агар тунда келур бўлсанг чарогдек,  
Кўзим бўлгай жамолинг бирла равшан.  
Гулистон энди менга завк бермас,  
Юзингни кўрсам — олам менга гулшан.  
Кадинг сарвини васфига тутинсам,  
Таним бори тил ўлгай мисли савсан.  
Качон кўнгай шакар солган идишга,  
Чибин андиша килса ёлпигичдан.  
Килолмас ишкбозлик можаросин  
Жахонда кимса Хофиздек муайян.

\* \* \*

Эй кўзларимни нури, эшитгил сўзим бу дам,  
Ичгил тўлик пиёлани, бер сўнгра менга хам.  
Айтдимки, тажриба била сўзлайди кексалар,  
Тингла насихат, ўглим-у, бўл пири мухтарам.  
Эслик киши оёгига ишк урмади кишан,  
Ошик бўлишни истасанг, аклингни айла кам.  
Бермайди мастлик кайфини тасбеҳу малла тўн,  
Бу ишда май сотувчига бўйнингни айла хам.  
Жон бирла молни дўст килур дўстга фидо,  
Сўз тинглагучи ёрга юз жонни берса кам.  
Севги йўлида девларнинг игвоси кўп эрур.  
Аклингга кел, хато сарига кўймагил кадам.  
Саргайди баргу колмади шодликни чолгуси.  
Тош, айла нола, доира, гавгони айла зам.  
Бўлсин хамиша тоза манинг жом ила тўла,  
Сокий, шароб колдигини бизга кил карам.  
Зарбоф тўн ичра мастлик ила тушса гар йўлинг,  
Назр айла бўса Хофизи эски чопонга хам.

\* \* \*

Хиркамни гаров кўйгум — бир коса шароб авло!  
Бемаъни насихатдан менга майи ноб авло!  
Хар канчаки кўз тутдим — бехудага умр ўтди,  
Бас, менга факирлик-ла бир кунжи хароб авло!  
Зохидни юрак сиррин халкка демагайман хеч,  
Бу киссани айтмокка чанг ила рубоб авло!  
Шундай фалак ахволи: бош хам сўнгги йўк, бундан —  
Сокийнинг хаёли-ла кўлларда шароб авло!  
Бир сен каби дилбардан кўнглимни узолмасман,  
Сендан бош агар тортсам, бўйнимга таноб авло!  
Кексайдинг, аё Хофиз, тарк эт маю майхона,  
Ёшликда хдваскорлик, риндлик, майи ноб авло!

\* \* \*

Сен, эй зохид, ўз орзуйинг сари бор,  
Менинг хам худди шундай максадим бор.  
Кадах бўш доимо лола кўлида,  
Кел, эй сокий, кетур хар нарсаки бор!  
Мени торт энди девона сафига,  
Шу мастлик яхшидур бўлгунча хушёр!  
Хазар кил мендан, эт, эй сўфий, пархез,  
Ки пархездан килибман тавба минг бор.  
Кел, эй кўнгил, унинг зулфига боглан,  
Халос бўлмокка гар бўлсанг хаваскор.  
Кўйиб тур тавбани гул мавсумида,  
Давом этмас — ўтар гул фасли ночор.  
Чаман атрофидан ел ўтганидек,  
Умрнинг кўклами ўтмокда, эй ёр.  
Кел, эй Хофиз, эшит аччик насихат,  
Нечун гафлатда ўтсин умр бекор.

\* \* \*

Бу юрт тўла харифдир, хар бир тарафда дилбар,  
Кўшгайсиз ишкка хисса, ишланг бу ҳақда, дўстлар!  
Чарх кўзи кўрган эрмас бундап кизик харифин.  
Хеч овчи килмагандир бундай бир ов мусаххар.  
Бог ичра барча гулдан хусн ила нозанинсан,  
Пок этагинга асло ёпишмасин тиканлар!  
Кимнинг кўзи кўрибдур, ким жондан ишлаган тан,  
Гард юкмаган танига бир ёри хур пайкар.  
Мендек дили яримни кувдинг нега ёнингдан?  
Бўлгайми бўса ёхуд кучмок менга муяссар?



Тез кел, кўнгил очар май, шодлик нафас ганимат,  
Келгуси навбахордан кимда умиду бовар?!  
Бўстонда тенгу тўшлар гул бирла лола янглиг,  
Хар бирлари тутиб жом, ёр исми тилда аз бар.  
Гар бу тугунни ечсам, бу сирни фош килсам,  
Ишлар чатог-у, дардлар эзмакда то баробар.  
Хофиз танида хар тук ул шўх нари кўлида,  
Мушкул туриш бу янглиг бир юртда, э биродар!

\* \* \*

Бўлди яна гул бирла чаманлар бихиштосо,  
Гулгун май ила жомни тўлат, сокийи зебо!  
Гам зангини дилдаи йўкотар ушбу кизил май,  
Кутлар эди бу сўзни баланд табъли доно!  
Манъ айлагучи май ковогин тош била урса,  
Сен хишт ила ёр бошини — рахм айлама асло!  
Онгсизлигим — илмингга бокмайди фалак хеч,  
Чунки кўзи йўк: яхши-ёмон унга муаммо.  
Хур ила бихишт нақд бўлибдир менга, зоҳид,  
Нечун килайин нася хикоят сари парво?  
Ул хожа камол ахлидур, айлаб йўлини пок,  
Олтун йўк эса, хишт-ла йўлин бергумиз оро.  
Тарсобачае кечагина дердики: Хофиз,  
Афсуски, бутхона аро айлади маъво.

Эй бод, нишони ёр эрурсан,  
Дилбар соридан чопор эрурсан.  
Зинхор кўлингни чўзма, саклан —  
Зулфин силаб, айбдор эрурсан.  
Эй гул, юзига не нисбатинг бор?  
У мушку тиканга ёр эрурсан.  
Райхон, нимасан, каро хатин кўр:  
У тоза-ю, ссн губор эрурсан.  
Наргис, канисан, у маст кўзлар  
Кайфин сурар-у, хумор эрурсан.  
Эй сарв, у баланд кад олдида сен  
Бог ичра камэътибор эрурсан.  
Эй акл, унинг ишкига берилдинг,  
Бу чокда беихтиёр эрурсан.  
Хофиз, сенга васл ўлур муяссар  
Гар сабрда баркарор эрурсан.

\* \* \*

Умид ила минг уриндимки, ёр бўлсанг деб,

Бу бекарор дилимга карор бўлсанг деб.  
Кел энди ишк эли гамхонасига — будир умид,  
Бу гамли кўнглима шояд мадор бўлсанг деб.  
Тилайман уйкуси йўк кўзларим чароги бўлиб,  
Умидли кўнглима хамдам нигор бўлсанг деб.  
Менга ярим кечада уйкудан мурод шудир,  
Кўзим ёши каби кўкрактумор бўлсанг деб.  
Юрак акик лабинг ишваси билан кондур,  
Шикоят айлар эсам, гамгусор бўлсанг деб.  
Малохат иклими шохини кулгадур нози,  
Бу ишда сендан умид — сулхкор бўлсанг деб.  
Вазифа айладинг икки лабингдан уч бўса,  
Вазифани кил адо: Ол, хумор бўлсанг! — деб.  
Гўзаллар ишк элини кўллаган чаман ичра,  
Умид ила бокаман менга ёр бўлсанг деб.  
Шахарда Хофиз ўлуб, арзимасман арпага хам,  
Карамларинг кутаман гамгусор бўлсанг деб.

\* \* \*

Бордим сахарда бог сари гул териш учун,  
Ногох кулокка келди — чекар эрди булбул ун.  
Бир гулнинг ишкига у бўлиб мен каби асир,  
Гавго килар эмиш бу чамаи ичра ушбу кун.  
Сайр айлар эрдим ул чаману бог аро факат,  
Уйлар эдим у булбулу гул хаккида бутун.  
Гул ёр этиб тиконни-ю, булбулда йўк карор,  
На гулда ўзгариш, на у булбулдадир сукун.  
Булбул фиғони килди дилимга огир асар,  
Кайтдим, чидолмадим жуда холим бўлиб забун.  
Гулшанда гуллар очилар — асло хисоби йўк,  
Кўймас тикан балоси бирор гул узиш учун.  
Хофиз, суюггч умидини тутма замонадин,  
Минг айб бор, фазилатидир макр ила фусун.

\* \* \*

Ўтпараст дайрида хам мен каби йўк бир мафтун,  
Бўлди хар жойда гаров хиркаю дафтар май учун.  
Айладим бода сотувчи кўлида минг тавба:  
Ёрсиз томчи май ичмай, демайин базму ўйин!  
Борладим кўз аригини этагим бирла агар,  
Кошки ёнимга ўтиртилгуси сарви мавзун.  
Балки бу сир хакида сарв тили сўзлагуси,  
Йўкса паршишда тил йўк, ўзи гоятда забун.  
Менга бода кемасин тезда кетур, дилбарсиз

Гамдан окмокда кўзим бурчида нахри Жайхун.

---

Килма бегона сўзин ёрга топингучи менга.  
Йўк ишим ўзга билан — менга пиёла май сун!  
Ранжима, наргис агар кулса кўзинг шевасидан,  
Юрмагай кўр изидан кимки, кўзи бўлса бутун.  
Жуда ёкмиш бу сўзим — тонг чогида бир тарсо  
Майкада олдида най, даф ила куйларди бугун:  
Гар мусулмонлик эса Хофиз тутиб турган иши,  
Ох агар бўлса бу кун оркасидан тонгласи кун!

\* \* \*

Эй подшохи хўбон, ёлгизлик гамидан дод!  
Кийналди гариб кўнглим, кел, айла гарибинг ёд.  
Дардинг менга дармондир навмидлик ётогида,  
Ёдинг менга хамдамдир хажр айлар эса бедод.  
Муштоклигу айрилиқ бир холга келтирмишим,  
Сабрим этаги кўлдан кетди-ю, кўнгил барбод.  
Бўстон гули хар доим яшнаб, очилиб турмас,  
Мунглулар дилин овла, давринг экан эт имдод.  
Юз боди сабо бунда зулфинг тараб ўйнайдур  
Будир хариф, эй кўнгул, магурлиганг эт барбод.  
Доираи тақдирда биз нуктаи паргормиз,  
Лутф улки — сен ўйлайсан, ҳукм ул — киласан ижод.  
Бебошлигу ўжарлик ринд оламида йўқдир,  
Ринд мазхабида бунлар бир қуфр деб ўлмиш ёд.  
Кўнгил сирини, гўстлар, кимга ечай оламда:  
Хар ёнда юрар ёрим — кўрмас юзин одамзод.  
Мен тонг елига окшом килдим гила зулфидан,  
Айдики: галатдир бу савдойи каби фарёд.  
Сокий, чаман-у гулда сенсиз сира равнак йўк,  
Шамшодни хиромон кил, богни безаб, эт обод!  
Бу гардиши зумраддан кондир жигарим — май бер,  
Зумрад косадан мушқил хал бўлгуси, кўнгул шод.  
Хижрон тугади, Хофиз, васл ислари келмокда,  
Эй ошики шайдойи, бу айш муборакбод!

- Чустий таржималари –

\* \* \*

Сабо, дегил, у кийик кўзли шўх раънога:  
Равона килдинг ўзинг бизни тогу сахрога.  
Шакарфурушки, омон бўлсин, ул нега бокмас  
Мудом шакар егувчи тўгин шакархога?  
Ичишда ёр ила май эсла майпарастларни.  
Шу хилда ўтди улар хам келиб бу дунёга.  
Чирой гурури магар рухсат этмади, э гул,  
Табассум айламадинг булбулингга — шайдога.  
Тузогу донга илинмайди асли зийрак куш.  
Асиру банд бўлур хулки яхши зебога.  
Дилида меҳри нега йўк — караб тополмасман —  
Ки, канча сарвқад, ой юзли кўзи шахлога.  
Жамолинг айбли эмас, бемисол эрур-ку, факат  
Вафою меҳр узок эрмиш чиройли барнога.  
Бу бахту сухбату дўстларни шукрин эт, эсла  
Гарибларингники, овора дашту сахрога.  
Тараннум айласа Хофиз сўзини Зухра агар,  
Ажаб эмаски, келур завки ракс Исога.

\* \* \*

Бахт тонгидир — кани ул жоми мисли офтоб?  
Кайда бундан яхши фурсат; менга сун бир жом шароб.  
Сокий ёру холи уй, машшок хазилкаш хўб ширин,  
Бу йигитлик даври — майнинг навбати ишратга боп.  
Машк этар созанда, ёр карсакда, мастлар раксда,  
Кувди мастлар уйкусин ноз бирла сокий беникоб.  
Хос хилват тинчу инсонга томошо жойидур.  
Буки, мен кўрмоқдаман: ўнгимми, ё Раб, ёки хоб?  
Покиза майнинг хасли бирла шўх эсган сабо,  
Ёширур хўб яхши гул баргига гулшанда гулоб.  
Кўнгил очмоқлик, гўзаллик, шоду хурсандлик учун  
Яхши бўлгай кўлда олтин жом-у лиммо-лим шароб.  
Тингла Хофиз сўзларин — бўлди харидор тўлган ой,  
Янграгай хар бир нафас Зухро кулогида рубоб.

\* \* \*

Мархамат кил, дўст саломин келтур, э боди сабо,  
Айлайн завким билан дўст номига жоним фидо.  
Худди булбулдек кафас ичра бу кўнглим тўтиси,  
Дўстни шаккар лаълу бодомига бўлмиш мубтало.  
Холи — дона, жингалак сочи — тузук, мен — куш каби,  
Донадан айлаб умид, тушдим — илиндим дом аро.  
Кимки дўст жомидан ичса мен каби бир журъа-май,  
То жахон борича бошини кўтармас мутлако!  
Севгига бир нома ёздим ушбу холимдан — етар,  
Бўлгуси бош огриги ортикча сўздан дилрабо.  
Мен висолин изласам, у айрилиқнинг касдида,  
Хошим тарк айладим — мақсадга етсин махлико.  
Гар муяссар бўлса ёр юрган йўлин тупрогидан,  
Минг шараф менга — килай икки кўзимга тўтиё.  
Хофизо, дарду гамида куй — давосин излама,  
Ёр васлидан бўлак бу дардингга йўқдир даво.

\* \* \*

Ёру дўстлар сухбати-ю, завкли бўстон яхшидур!  
Яхши гул фасли, май ичмок вақти обдон яхшидур!  
Тонг насимидан кўнгиллар очилур хар лахзада,  
Тоза дил, тоза нафаслар, чунки хар он яхшидур!  
Гул очилмасдан туриб кетмокка касд этди яна,  
Йигла, булбул, кўнгли мажрухларга афгон яхшидур!  
Мужда бўлсин тунда какку кушга ишкинг йўлида,  
Ёр учун хар кимки бўлса тунда нолон яхшидур!  
Гарчи шодликнинг жахонда исми бор-у, жисми йўк,  
Хуш табиат шўхлик расми-ла жонон яхшидур!  
Богда савсаннинг тилидан бу садони тингладим,  
Дер эди: дунёдан ўтмок тезу чаккон яхшидур!  
Хофизо, тарки жахондан сўзламок кўнгил очар,  
Ййламайсан: шохларга даври даври яхшидур!

\* \* \*

Қайси уйнинг шамъидир у, қайси жойда хонаси?  
Ўртади жонни сўранг, кимнинг эрур жононаси?  
Бу замон дину дилимни хонавайрон айлади,  
Билмадим кимнинг эрур у мунису хамхонаси?  
Лабларининг бодаси харгиз лабимдан кетмасун,  
Кимга сўз бермиш вафодан — май тўла паймонаси?  
Ул саодат шамъининг базми эрур кимга насиб,  
Сиз, Худо хакки, сўранг, кимдур унинг парвонаси?  
Хар киши афсун билан тортмокчи, аммо билмадик,  
Тортадур нозик дилин кимнинг ширин афсонаси?

Ё Раб, ул ой юзли, юлдуз чехрали олий нишон,  
Кайси коннинг гавхари, кимнинг эрур дурдонаси?  
Килди ичмасдан лабининг бодаси дилни хароб,  
Кимга улфат, ким эрур хамкоса, хампаймонаси?  
«Охким, Хофиз дили девонадур сансиз», — дедим.  
Шўх табассум бирла: «Бу кимнинг, — деди, - девонаси?»

\* \* \*

Шахраро ой юзлигим йўк — хафта бўлди менга йил.  
Билмагайсан айрилик мушкилдир-у, ўртанди дил.  
Севги лутфи-ла юзига тушди кўзим нуктаси,  
Кўрди ёр хуснида аксин — хол, деди, мушкин асил.  
Мархамат бармогини чўздинг шахарларга караб,  
Балки парвонг йўк гариблар холига сенда, дегил.  
У шакардек лабларидан сут хиди келгай хануз,  
Гамза бирлан гарчи киприklar олур жонни дадил.  
Битта гавхар икки таксим бўлмоги мумкин экан,  
Чунки лаълинг, э гўзал, бу сўз учун яккол далил!  
Биз томон бир келмогингдан хуш хабарлар бердилар,  
Ниятингдан кайтма, кутлуг фол эрур бу — яхши бил!  
Кай йўсин хажринг гамин тогин кўтаргай нотавон.  
Ноладан-ку бўлди Хофизнинг тани бир тола кил.

\* \* \*

Мастман ёдинг билан — менга писанд эрмас шароб,  
Хумга айт, кетсин олиб бош, бўлди хумхона хароб.  
Гар бихиштнинг бодаси хам бўлса, сиз ерга тўкинг,  
Хар ширин шарбатки эрса, ёрсиз бергай азоб.  
Минг таассуф, дилбарим келди-ю, кўзим ёшланиб,  
Ёр хату холин кўришга томчилар бўлди хижоб.  
Уйгон, эй кўз, чунки бепарво ётиш мумкин эмас,  
Уйку жойидан келур бу сел — дамодам беҳисоб.  
Ёр ўтар сенга жамолин ошкоро кўрсатиб,  
Ўзгалар хам кўрмасин, деб хуснига тутгай никоб.  
Гул сенинг алвон юзингда кўрди тернинг жилвасин,  
Рашк ўтида колди, шул дам гулни гарк этди гулоб.  
Ёнди юз-юз шам хуснингдан кўнгил базмиаро,  
Бу таажжубким, юзингда бор эди кат-кат хижоб.  
Дашту сахро яшнади, кўлдан бу фурсат кетмасин,  
Май билан сероб бўлгил, бу жахон буткул сароб.  
Энди завким хонасида йўк насихатга ўрин,  
Нагмага тўлдирди бу уйни наю чангу рубоб.  
Севги йўли канчалар кенг дирки, таъзими учун  
Осмон бўлмшп бу денгиз ичра гўё бир хубоб.

Эй кўнгилнинг нури, дилоро юзингни кўрмагач,  
Ракс этар гўеки ўт устидан дил жизгин кабоб.  
Тонг эмасдир бўлса Хофиз ошик шайдою ринд,  
Негаким, бу вазъият ёшлик чогида созу боп.

\* \* \*

Юзинг хуснинг-ла тузди иттифок-у, олди дунёни,  
Жахонни олса бўлган иттифоклик бирда хар они.  
Мухаббат ахлининг сиррини очмок бўлган эрди шамъ,  
Худога шукрим, куйди тили-ю, кетди дармони.  
Сенинг рангу хидингдан сўзламокни хохлаб эрди гул,  
Сабо кизганди ю, дам тортди гулнинг битди имкони.  
Гурур айлаб, бошига эгри кўйди дўпписин лола.  
Кизил май кўксини дог этди — равшандир юрак кони.  
У кун бир коса май ишки бутун куйдирди боримни,  
Гўзал сокий юзининг аксидан ўт тушди пинхони.  
Замона ишлари бир нуктадек жисмим ўраб олди.  
Юрардим айланиб паргор каби — солди бу гавгони.  
Ёзибдурлар буни гул япрогига лола конидан,  
Кимики пухтадур, олгай кизил май кўлга хар они.  
Кўлимга жоми Жамшидийда май бер тонгда, майнўшлар  
Куёшдек нур сочар тиги билан фатх этди дунёни!  
Кўз оч, фурсатга бок — оламаро кўп фитна кўзгалгач,  
Май ичди гам билан, соз олди кўлга юртнинг эшони.  
Менинг калбимаро хар дамда ёнган ёширин ўтдан  
Куёш бир шуъладурким, кўкка чикди — бўлди нуроний.  
Латофат сувлари, Хофизки, назмингдан томиб тургай,  
Бўлаклар кай йўсин фахми олур бу хилда маънони.

\* \* \*

Кўркаман — гам пардасин йиртар окиб ёшим катор,  
Дилдаги пинхон сирим оламга бўлгай ошкор.  
Бир макомда сабр этиб, тош лаъл бўлгай дейдилар,  
Бўлга-ю, аммо жигар кони-ла бўлгай эътибор.  
Арзу дод этмокни хохларман бу кун майхонада,  
Шояд унда дил бўлур гамдан йирог-у бегубор.  
Кеккайиш бордур гўзал ул сарви каддинг бошида,  
Киска бу кўллар качон у белга етгай, э нигор?  
Тўлган ойсан бу кўринган бахту давлат касрида,  
Бошлар остонасин тупроги бўлгайлар катор.  
Хар тарафдан йўлладим сенга дуолар ўкларин,  
Лоакал ундан бири албатта килгай сенга кор.  
Сап-сарик зардек юзим, мехрингни кимёси билан —  
Химматинг тупрокни олтин айлагай, э бахтиёр.

Ёрима охиста-охиста сўзимни арз кил,  
Эхтиёт бўл, беҳабар колсин сабо, э жони зор.  
Ногахон гам келса сенга, ўзни тут — бўлма тажанг,  
Шукр килгил, токи баттаррогига бўлма дучор.  
Сен ишонгил, гам ема, сабр айла, эй дил, окибат  
Шомдан тонг, кечадан кундуз келур, кишдан бахор.  
Мен ажаб хайратдадурман ул ракибнинг кибридан,  
Топмасин, ё Раб, бу хил номард харгиз эътибор.  
Хурмати албатта кун-кундан ошар халк олдида,  
Хуснидан бошка фазилат хам агар инсонда бор.  
Дилда мехринг, бошда ишкинг сут билан кирган эрур,  
Танда жоним борича колгай танимда баркарор.  
Бош чикаргай кабридан Хофиз оёк ўпмок учун,  
Кабрин устига кадам кўйсангиз — унга ифтихор.

\* \* \*

Ширин хосил берур — дўстлик дарахтин ўтказ, эй инсон,  
У душманлик ниҳолин юлки, бергай гам, алам, армон.  
Бўлиб майхона мехмони, май ич мастоналар бирлан,  
Хумори бўлма харгизким, бошинг огрийди, эй жонон!  
Бу сухбат тунларин билгил ганимат, шоду хандон бўл,  
Коронгулик, ёругликлар келур, кўр ўзгарур даврон.  
Йўлин Мажнунга бурсин — Лайлининг сорбонини йўлла,  
Унинг хукмидадир, с Раб, куёш бирлан махи тобон.  
Хаётингни бахорин топки, йўкса бу чаман хар йил  
Очар юз гунча наериндек, кўрар булбулча минг хушхон.  
Менинг мажрух дилим зулфингга богланмиш,  
Худо хакки, Буюр, жонимга ором берсин ул лаъли лабинг шул он.  
Мадоринг кетмиш, эй дил, гам юки остида колмишсан,  
Бориб бир коса май ич, балки бўлгай дардингга дармон.  
Карилик чогида Хофиз тилар бу богда Тангридан:  
Арик бўйида топса сарвкоматлик гўзал жонон!

\* \* \*

Гул жамоли дилга ёкмас бенигор,  
Завки йўқдир бодасиз бўлса бахор.  
Бахраси йўк богу бўстон сайрини,  
Бўлмаса бир лола юзли гулъузор.  
Килмаса булбул тараннум богаро,  
Сарву гул раксида бўлмас эътибор.  
Нозу неъмат, богу гул яхши вале  
Лаззати йўк бўлмаса сухбатда ёр.



Ёр юзидан ўзгаси манзур эмас,  
Хушни банд этгучи хар суратки бор.  
Гулбадан, лаъли шакар дилдор билан  
Бўсасиз бўлса висол — не завки бор?  
Кадри йўк Хофиздаги жон нақдини,  
Арзимас килмок учун ёрга нисор.

\* \* \*

Бахтим недурки, ёр лабидан бермагай нишон?  
Сирри надур, хабар демагай толеим хамон?  
Жоним нисор этай лабининг бўсаси учун,  
Ё бўса бермади-ю ва ё олмади у жон.  
Ё парда ичра йўл йўк-у, мен интизорман,  
Ё бор-у, парда тутгучи килмас сирин аён.  
Сабр айлаган киши етар охир муродига,  
Аммо замона фитнаси бермас менга омон.  
Зулфин сабо учирди — у нокас фалакка бок:  
Бермас мажол кокилидан узсам ушлабон.  
Паргор сингари юраман четда айланиб,  
Бир нуктадек бу ўртага йўл бермади замон.  
Дерманки, ухласам кўраман ёр жамолини,  
Ухлатмагай мени сира Хофиздаги фигон.

\* \* \*

Булбул ўйларким, хамиша унга гул гўёки ёр,  
Гул хаёли: нози булбулнинг дилига килса кор.  
Дилраболик биргина ишк ахлин ўлдирмок эмас,  
Гар еса куллар гамин — шулдир улуглик, э нигор!  
Лаълнинг калбида кон мавж урмоги кимматлидир,  
Бода нархин пастлатур, афсус, сафолда бодахор.  
Булбул ўрганди ширин сўзлашни гулнинг файзидан,  
Йўк эди унда бу хил назму тараннум, ёр-ёр.  
Кетди дилдор — канча диллар бирга йўлдоши эрур,  
Кайда бўлса саклагил доим саломат, Бирубор!  
Сен агар нафсинг тийиб, беҳуда йўлга юрмасанг,  
Шубхасиз васлига етгайсан, лурсан бахтиёр.  
Эй йўловчи, дилбаримнинг кўчасидандур йўлинг,  
Бош ёрар девори, хушёр бос кадам, окиста бор.  
Гарчи сухбат, ишратинг хўб яхшидур, аммо, кўнгул,  
Бермагил ишкни кўлингдан — у азизу эътибор.  
Сўфий ичган бўлмаса, нега кулохи кийшаюр?  
Икки жом ичса яна, салла чувалгай, э нигор.  
Ўрганиб колмиш жамолишта бу Хофизнинг дили,  
Парвариш килмиш висолинг, бермагил озор, ёр!

\* \* \*

Бўлдим ишкинга куйиб, машхури жахон шамъдек,  
Тунда ошиқлар йўлида мен ниғахбон шамъдек.  
Юмшади мумдек гаминг илгида сабрим тоғлари,  
Ўту сув ичра эрур, чунки тану жон шамъдек.  
Эй куёш юзли, бўлибдур кеча сенсиз кундузим,  
Менда ишкинг зўрлигидан тўлди нуксон шамъдек.  
Қиркилур сабрим пилик янглиг гаминг кайчисидан,  
Ўртанур хажринг-ла тан хар вақт сўзон шамъдек.  
Кўзларимдан балки тез-тез окмаганда конли ёш,  
Фош бўлмас лрди сиррим бунча хар ён шамъдек.  
Гамга ўрганган кўзимга уйку келмас туну кун,  
Чунки хижрон дардидан кўз бўлди гирён шамъдек.  
Ўту сув ичра сенинг ишкинга ўртанди кўнгул,  
Ёши ёмгирдек оқар хар лахза, хар он шамъдек.  
Менга хижрон кечаси йўлла висол парвонасин,  
Йўкса, оҳим айлағай оламни вайрон шамъдек.  
Кўкка етқизгил бошимни бир кеча васлинг билан,  
Кел, ёрит калбимни хуснинг бирла, жонон, шамъдек.  
Колди умрим бир нафас сенсиз, ниғорим, тонг каби —  
Шул замон кўрсат юзингни — топширай жон шамъдек!  
Кандай ўчгай дил ўти — кўз ёш билан меҳринг ўтин  
Бошига Хофиз кўгарди, бўлди сўзон шамъдек.

\* \* \*

Дилимга гамзадан ўк урма, жонон,  
Сузук кўзингга бокиб, чикмасин жон.  
Чиройинг давлати етди нисобга,  
Закотин менга бер — мен ҳакли инсон!  
Кадах тўлдирки, ишкинг давлатидан  
Агар чолман, бўлибмаи бахтли ўғлон!  
Кўнгул ёрим хаёли бирла тўлди,  
Бўлак ҳеч нарса сигмас дилга шул он.  
Маю машшоқдан ўзга айтса бир сўз,  
Калам синсин, танимда колмасин жон!  
У гавго ичра ким бир-бирга бокмас,  
Келур пири мугондан менга эҳсон.  
Сенинг, зоҳид, менга тоқай фирибинг,  
Асал, сут, олма деб, ҳам боғу бўстон!  
Мен ул кушманки, хар шому са.харда  
Юракдан сайрашим-ла тўлгай осмон.  
Ичарман гамли кунларда факат май,  
Килибман майфуруш-ла аҳду паймон.  
Бу кандай яхши фурсат — бода ичгач,

Вазир, шох ваҳми йўк — рохатдадир жон!  
Мени кўрганда даъвогар гадо дер  
Вале гам бойлиги дилда фаровон!  
Кўнгилни ул замон Хофиздан уздим,  
Качонким, бўлди сокий муписи жон.

\* \* \*

Эй сабо, сенда у мушкин кокилин хуш бўйи бор,  
Сен шу хггд бирлан колурсан олам ичра ёдгор.  
Тоза сакласанг, ишонч-ла топшириш мумкин сенга  
Хусну ишкнинг сирри-ю дурдонасинким, бегубор.  
Бемисол хуснинг ёкимли — айби йўк харгиз, факат —  
Бордир атрофингда юрган шум ракиблар, э нигор!  
Сенга, эй гул, булбул овози качон бўлгай писанд,  
Каргалар сўзи кулогингда топибдур эътибор.  
Мен сен ичган бодадан хушкайфман — бўлсин халол!  
Кайси хумдан бу пиёланг тўлди, айт, мастона ёр?  
Хусн нархини оширмоклик ишидир сенга хос,  
Чунки гулдек рангу хуш бўй сенда доим баркарор.  
Мушку анбарни замона елга совурса бутун,  
Садка бўлсин сенга — мушкин холу хатлар сенда бор!  
Сенга арзийди чиройдан лоф уриш мисли кусш,  
Чунки ой юзли гуломлар сенда бор саф-саф, катор.  
Кеккайиб, ноз айлама, эй сарв, бу гулшанаро  
Хам бўлур хижлатда бошинг, келса сарви гулъузор.  
Килсам охиста дуо, шўх-шўх табассумлар билан:  
Сен ўзинг ким, мен билан кандай сўзинг бор? — дейди ёр.  
Мадраса бурчидан ишк дуррини, Хофиз, излама,  
Хохласанг топмокни — чиккил ташкари мардонавор!

---

### - Васфий таржималари –

Бир хуш тушимда кўрдим: кўлда экан пиёла,  
Таъбири яхшиликка албаттадир хавола!  
Кирк йилча дард чекдим, дерлар давоси шулдир:  
Икки йиллик май ичгил, килмасдан истихола.  
Эрди чигил муродим — ечмок йўлини топдим:

Они беркитган эрмиш ёр зулфи тола-тола.  
Севги хумори барбод этган эди вужудим,  
Бахтимни кўрки, келди май лик тўла пиёла!  
Майхонага борурман хар кун чекиб фиғонлар,  
Хал этгай унда чунки мушкулни оху нола.  
Хар дамда кон ютарман, аммо шикоятим йўк,  
Зероки, қисматимда шундай экан навола.  
Солдим назар баногох тонг чогида чаманга,  
Гул ишки бирла булбул дилдан чекарди нола.  
Хар кимки меҳт кўйди, мақсад гулини термай,  
Елнинг йўлида бўлди пойлоқчи ул ниҳола.  
Гулшан насими ёқди кушлар дилига оташ,  
Ул догданки, они сакларди дилда лола.  
Дилкаш газал ёзибмиш ёр мактовига Хофиз,  
Хар байтига берар тан юзлаб гўзал рисола.

\* \* \*

Кўрдинг яна, эй дилки, гами ёр на килди?  
Ўз ёри вафодорига дилдор на килди?  
Жоду кўзига бок: кўрасан не-не ўйинлар,  
Маст зулми аро ўйлари хушёр на килди?  
Ёр хажрида кўзимдаги ёш бўлди шафакранг,  
Шумтоле эканманки, бу хунбор на килди?  
Эй сокий, кадах тут, бўлак ишни кўя колгил  
Билмас кишиким, сохиби асрор на килди?  
Кўргилки, фалакка берибон зеб ила зийнат,  
Айланасимон санъати паргор на килди?  
Тонг чоги яшин чакнади Лайли харамидан,  
Кайс калбини куйдирди баякбор, на килди?  
Ёндирди мухаббат ўти Хофиз дилин, эй вох,  
Бок ёри кадрдонига — ул ёр на килди?

\* \* \*

Зулфингиз килса мабодо бир хато, не бўлгуси?  
Атр уриб, борди-ю, кўрсатса жафо, не бўлгуси?  
Ишк ўтидан жандапўшнинг хирмони куйса, не бок  
Шохдан зулму ситам кўрса гадо, не бўлгуси?  
Хечкиси йўк, гамзангиз гар дилни курбон айласа,  
Килса жанжал жону жонон ўзаро, не бўлгуси?  
Ранжимок йўқдур мухаббат маслагиди — майни куй,  
Хар кудурат бўлса кам, топгай сафох не бўлгуси?  
Ишкбозликда керакдир сабру токат, эй кўнгил,  
Гар малол келса не бўлгай, ё хато, не бўлгуси?  
Бедаво гийбатчилардан турли гавго кўзгалур,

Сухбат ахли килса хамки можаро, не бўлгуси?  
Хонакохдан кетди Хофиз, зохида, айб этмагил,  
Топгуси эркин киши хар кайда жо, не бўлгуси?

- Жуманиёз Жабборов таржималари –

\* \* \*

Мужда келди: энди хеч кайгу билан гам колмагай!  
Аввал-охир неки мавжуд бўлса, ул хам колмагай!  
Хокисор ўлдим агарчи ёрнинг наздида мен,  
Кошида агёр хам шоду мукаррам колмагай!  
Бу забаржадли равокка ёзилибдир зар ила:  
Яхшилик колгай жахонда, ўзга олам колмагай!  
Пардадорким, барчани бир-бир кесар шамшир ила,  
Хеч бир инсон даҳраро мангую маҳрам колмагай!  
Неку бад накшин кўриб, шукру шикоят не керак?  
Хатти борликда ракамлар хам мужассам колмагай!  
Мажлиси Жамшид аро шундай кўшиқдир - мазмуни:  
Бода тутгил, жом узатгил, бир куни Жам колмагай!  
Эй тавонгар, сен бу дарвешнинг дилини шод кил,  
Бу хазина ичра зар, с ганжу дирхам колмагай!  
Сен ганимат англагил парвонанинг васлини, шамъ,  
Бил, куёш чиккач, бу нозик дилрабо хам колмагай!  
Ёрдан сен тамаъю уммидни узма, Хофизо  
Хам жабрдан бир нишон, накши ситам хам колмагай!

\* \* \*

Замон андухига хеч сохилу поён кўрмасман,  
Бу дардга аргувон майдан бўлак дармон кўрмасман.  
Дедим: майхона пирин хизматин тарк этмагум асло,  
Бу ахддан ўзга ўзимга бирор имкон кўрмасман.  
Хуморман — томчи майни менга лозим кўрмагай хеч ким,  
Демак, ахли жахонда дўст ила ёрон кўрмасман.  
Ошик ахли Худо билан якин дерлар, ўзингни тий —  
Ки, шахрим шайхларида ишкдан унвон кўрмасман.  
Белинга кокилинг — унга дилимни богламишман мен,  
Бўлибман зулмати зулфинг аро пинхон, кўрмасман.

Сенинг каддинг менинг кўз ёшларимдан бахралар олгай,  
Бу хил оби равону хам сўлим бўстон кўрмасман.

Бу хайрон икки кўзимдан, минг афсуским, минг афсуским,  
Икки ойнадирки, хусни нурафшон кўрмасман.  
Бу дарё мавжида Хофиз дили бир кемадек сузгай,  
Курук сўзу сухандан фойдаю эхсон кўрмасман.

\* \* \*

Сенга изхори дил килмок хавасдир,  
Сенинг калбингни хам билмок хавасдир.  
Ракиблардан, каранг, ошкор дардим  
Нихон тутмокка интилмок хавасдир.  
Кадр окшоми-ку олий, мукаддас,  
Сенинг-ла тун бўйи бўлмок хавасдир.  
Нафис дурдоналарни тори дилга  
Мехр-ла инжудек илмок хавасдир.  
Мадад бергил, сабо, тун ичра менга,  
Сахарда гул-гул очилмок хавасдир.  
Бу лутфинг-чун кўчангни кипригим-ла  
Супурмокликка эгилмок хавасдир.  
Ёзиб риндона шеърлар худди Хофиз,  
Даъво ахлига бас келмок хавасдир.

- Шоислом Шомухамедов таржималари –

\* \* \*

Тонг-сахар вакти, каранг, сабру саботим бердилар,  
Коп-кора тундан олиб, оби хаётим бердилар.  
Ногахоно порлатиб жисмимни эзгу шуъласи,  
Сарбаландлик жоида янги сифотим бердилар.  
Не муборак тун эди ул ва не хуррам кеч эди,  
Ул кадр кечда менинг кутлун баротим бердилар!  
Сўнгида васфи жамолим кўзгуда кўз-кўз этиб,  
Мужда келди-ю, шул он жилваи зотим бердилар.  
Мен агар шодмон етибман максудимга, не ажаб,  
Бу менинг хакким эди — хакку закотим бердилар!  
Ул шараф айёми бахтим муждасин берди яна,  
Мехнату кадрим баланддир — наклиётим бердилар.  
Гар тилимдан кетма-кет шахду шакарлар ёгилур,  
Бу сабр инъомидирким, ул наботим бердилар.  
Кимёдир бир ажаб пири мугонга бандалик,  
Майкада тупрогидан оханг — баётим бердилар.  
Доимо Хофиз сахархез субхидам олгай нафас,  
Неча захматдан халос айлаб, нажотим бердилар.

\* \* \*

То магар дунёда бор майхонадан ному нишон,  
Бошимиз майхона пирин йўлида хоку тўзон.  
Хам кулоқда дайр пирин халкаси бордир азал,  
Халка бирламиз хамиша, халка бўлгайдир хамон.  
Кабримиз устидан ўтсанг, химмат айлагил талаб,  
Килгусидурлар зиёратгоҳ они ринди жахон.  
Пок пойинг кафти теккан бу замин йиллар мудом  
Саждагоҳи киблаи хушёрдил бўлгай, ишон.  
Кет, йўкол, зоҳиди худбин кўзимиздан то абад,  
Парда ортинда жахоннинг сирлари биздан нихон.  
Ишки тушган гўзалим турк кизи бул кун яна маст,  
Ишкида хуни дилим бўлди ёноклардан равон.  
Таъна этма мастни, эй зоҳидки, ҳеч магълум эмас,  
Ким нечук кетгай бу оламдан ва билмасмиз қачон?  
Шавкинг ичра кирса гўрга кўзларим бил, эй нигор,  
То киёмат бўлажак сенга нигорон хар бир он.  
Хофизо, бахтинг агар шундай олар бўлса мадад,  
Севгилинг зулфи хам ўзга кўлда бўлгай бегумон.

\* \* \*

Кетмоқда дил кўлимдан — дил ахлидир сабабкор,  
Дилда нихон сирим хам бўлгуси энди ошкор.  
Бизнинг кема синикдир, денгиз шамоли, кўзгал,  
Балки яна кўрармиз ошно юзини бир бор.  
Беш кунлик умр вафоси афсонаю хаёлдир,  
Инсонга яхшилик кил, фурсат ганимат, эй ёр!  
Гул шоҳи узра булбул мастона килди нола,  
Тонг отди, эй хумори, келтир шаробни такрор!  
Эй соҳиби каромат, шукрона кил — сихатсен,  
Тараннумингни дарвеш ахлига айла бисёр.  
Бу оламу у олам осойиш икки ишдан:  
Дўстларга чин мурувват, ёвларга зарда даркор!  
Бизни киритмадилар аслида яхши йўлга,  
Хуш келмаса дилингга, килгин казони бекор.  
Аччик бу сувни сўфий дер: Манбаи фалокат!  
Қизлар лабидан аъло менга шароб — мададкор.  
Йўклик чогида, эй дўст, тарк этма ишратингни,  
Май — кимё, гадони айлар Корунча молдор!  
Саркашлик этма шамъдек, куйдирмасин дилингни  
Тафтида хора тошни мум айлагувчи дилдор.  
Искандар ойнаси хам май жоми-ку — назар сол,  
Доро диёри хрлин у сенга килгай изхор.  
Форсий забонли турклар умрга йил кўшарлар.  
Сокий, риндона май тут, ракс айласин азмор.  
Майга тегибди жанда — киймайди они Хофиз,

Бизни кечиргил энди, эй шайхи поккирдор.

\* \* \*

Сийна лиммо-лим алам-ку, кайда малхамдан дарак?  
Яккаликдан хар нафас халкумга жоним келажак.  
Сокиё, бир коса май бер — бир нафас ором олай,  
Кутмагил ором фалакдан — ул ўзи хам жонсарак.  
Мен дедим зийрак кишига: Кўргил ахволин нечук?  
Ул деди: Олам — паришон, ишларидир чархпалак.  
Сабр чохинда куйиб ўлдик Чигил мохи учун,  
Турк шохи хеч хабар олмас, кани Рустамбилак?  
Ишкбозлик кўйида хотиржам ўлтирмок хато,  
Минг тилинсин дардингга дору кидирган хар юрак!  
Нозу неъмат ахлининг риндлик кўйинда йўк иши,  
Бўлмагай йўлбошчи куймак билмаган бегам сўтак.  
Чин киши кўзга чалинмас — олам ичра истама,  
Ўзга одам, янги олам кайтадан тузмок керак!  
Тургил ўрнингдан, берайлик дилни ул махга агар,  
Мўлиённинг бўйи келса лабларидан бебўнак.  
Хофизо, кўз ёшидан не суд бу ишк гавгосида,  
Уммонингдан етти дарё томчидир ёки пуфак.

\* \* \*

Жон бежамоли жонон майли жахони йўқдир,  
Майли жахони йўқдир, демакки, жони йўқдир.  
Хеч кимда дилбаримнинг тополмадим нишонин,  
Ё мен хабарсиз омий, ё хеч нишони йўқдир!  
Хар шабнами бу йўлнинг оташли бахри уммон,  
Хар дарди бир муаммо — шарху баёни йўқдир.  
Кўлдан чикора кўрма фарогатин дамин хеч,  
Эй сорбон, жилов торт — йўлнинг поёни йўқдир.  
Чанг комати эгилган — ишрат аро чалурлар,  
Чол сўзига кулок сол — асло зиёни йўқдир.  
Дил, риндлик тарикин сен мухтасибдан ўрган,  
Ичиб юрар-у, элнинг ундан гумони йўқдир.  
Корун йигибди бойлик, замон этибди барбод,  
Зар йигмагил, дея айт, вафо хаёни йўқдир.  
Агар ракиби шамъдир — ундан сирингни беркит,  
Билгилки, шўх дилафрўз, банди забони йўқдир.  
Хар кимсанинг жахонда Хофиз каби кули йўк,  
Хеч кимсанинг сенингдек шохи замони йўқдир!



- Эркин Вохидов таржималари –

\* \* \*

Ёрим кўлига кадаҳки олгай,  
Бозори санам касодга колгай.  
Хар кимки, кўзини кўрса дейди:  
Бу — маст, кани мухтасиб, тутолгай?  
Ашк баҳри аро балик бўлибман,  
Кармогини ёр чу сувга солгай.  
Зор ила аёгига йиқилдим,  
Уммид этамен: кўлимдан олгай.  
Хофиз каби хуррам ул кишиким,  
Жоми азали(й)ни нўш этолгай.  
Кеча дoston бўлди ошик даврада гисуларинг,  
То ярим тун бахсга боис бўлди анбар мўларинг.  
Кипригинг новакларидан конга айланди кўнгил,  
Вах, яна кўмсар, ажабким, ул камон абрўларинг.  
Авфиллехким, сабо келтирмаса сендан хабар,  
Хеч насиб бўлмасди кўрмак бизга кўча-кўларинг.  
Беҳабар эрди жахон аввалда ишк ошубидин,  
Колди гавгога у кўргач гамзаи жодуларинг.  
Мен ҳам авваллар эдим дарди жунундин беҳабар,  
Кўйди домин йўлларимга кокили хиндуларинг.  
Тугмаларни ечгил-у, дил мушкулин айла кушод  
Ким, ечилмогимга боис дилкушо кулгуларинг.  
Кел вафо айлаб, кадам кўй Хофизингнинг хокига  
Ким, бу оламдан олиб кетмиш мени орзуларинг.

- Жонибек Кувнок таржималари –

\* \* \*

Бир умр майхона бурчи хонакохимдур менинг!  
Пири майхўрлар хамиша киблагохимдур менинг!  
Тонг чоги май бўлмаса — ҳеч бир хатарли жойи йўк,  
Тонгдаги килган фигоним узрхохимдур менинг.  
Шукр этурман — йўк эрур шоху гадо бирла ишим,  
Дўст даргохин гадоси подшохимдур менинг!  
Масжиду майхонадан максад факат дийдор кўриш,  
Ўзга йўк фикрим — Худовандим гувохимдур менинг!  
Остонаиг бошга сстик бўлди-ю бир тахт каби,  
Офтобинг тожу тахти такягохимдур менинг!

Етмагунча то ажал тиги бошимга, шубхасиз,  
Юз ўғирмак эшигиндан иштибохимдур менинг.  
Носавоб ишларга йўк, Хофиз, сенинг майлинг вале  
Хушодобликдан дегинким: бу гунохимдур менинг!

\* \* \*

Лабларингнинг шарбатидан чикмади комим хануз,  
Лаъл жоминг орзусида бўш турар жомим хануз.  
Кеча горат бўлди диним икки зулфинг домида,  
Ушбу савдода не тус олгай саранжомим хануз.  
Янглишиб тунда Хўтан мушки, дедим, зулфингни мен,  
Тигдайин ботгай сочинг, кон сочгай андомим хануз.  
Юзларингни шуъласин хилватда кўрди офтоб,  
Тигига бўлди нишона эшигу томим хануз.  
Бир куни номимни тилга олди жонон янглишиб,  
Барча ошикка мисоли жон эрур номим хануз!  
Лабларингнинг соки(й)си берди азалдан катра май,  
Кетмагай мастлар тилидан ному пайгомим хануз!  
То бўлай ороми жонинг, ўт, дединг, жон бахтждан,  
Гамларингга жонни бердим — йўқдир оромим хануз.  
Ўзди Хофиз мех ила лаъли лабингнинг киссасин,  
Чашмадур оби хаётга шеъру илхомим хануз.

- Олимжон Бўриев таржималари –

\* \* \*

Мудомим маст тутгайдир насими жаъди гисуйинг,  
Хароб этгай мени хар дам фириби чашми жодуйинг.  
Неча сабру токатдан сўнг туни, ё Раб, кўролгаймен  
Кўзим шамъини ёкмогини бир мехробу абрўйинг.  
Саводи лавхи кўрмокни анинг-чун мен азиз тутгум:  
Жонимга нусхае бўлгайми накши холи хиндуйинг.  
Агарда жовидон дунёни яшнатмокни истарсан,  
Сабога айт, кўтаргайким замоне буркаъи рўйинг.  
Ва гар расми фано истарсан оламдан буриб юзни,  
Ки силкиб ер уза тўксин минглаб жонни хар мўйинг.  
Ману боди сабо мискин — ики сарсони бехосил  
Мен афсун маст кўзингдин-у, у масти бўйи гисуйинг!  
Яшаб химмат-ла Хофизингни дунёю охиратдан,  
Кўринмас хеч кўзига жуз ул хоки сари кўйинг.

\* \* \*

Дардимизга йўк дармон, алгиёс!

Хажримизга йўк поён, алгиёс!  
Дину дилни олди-ю, жон олгуси,  
Алгиёс, эй жабри жонон, алгиёс!  
Ўптириб бир — эвазига жон сўрар,  
Багритош ул шўхи хубон, алгиёс!  
Бевафолар конимизни ичди-ку,  
Эй мусулмонлар, не дармон, алгиёс!  
Мисли Хофиз кеча-кундуз тинмайин  
Йигладигу йигладик кон, алгиёс!

- Эргаш Очилов таржималари -

\* \* \*

Бир дилбари жононимиз олди-ку дилу жонимиз,  
Олди-ку дилу жонимиз бир дилбари жононимиз.  
Берса ўпич жононимиз кайта тирилгай жонимиз,  
Кайта тирилгай жонимиз, берса ўпич жононимиз.  
Чин равзаи ризвонимиз ёр эшигин тупрогидир,  
Ёр эшигин тупрогидир чин равзаи ризвонимиз.  
Бизнинг дили хайронимиз ошуфтаю шайдосидир,  
Ошуфтаю шайдосидир бизнинг дили хайронимиз.  
Ул Юсуфи Канъонимиз хусн иклимининг шохидир,  
Хусн иклимининг шохидир ул Юсуфи Канъонимиз.  
Сарви богу бўстонимиз зебо, келишган комати,  
Зебо, келишган комати сарви богу бўстонимиз.  
Шу Хофизи хушхонимиз фазлу камол тимсолидир,  
Фазлу камол тимсолидир шу Хофизи хушхонимиз.

\* \* \*

Кайтади Канъонга ул Юсуфи сарсон, гам ема!  
Бир куни гам кулбаси бўлгай гулистон, гам ема!  
Бўлма бадбин —гамзада кўнглинг иши ўнглаугуси,  
Тоабод савдоли бош колмас паришон, гам ема!  
Бошга тортарсан яна гул пардасин бўстон аро  
Келса умринг кўклами, булбули хушхон, гам ема!  
Бу фалак биз истагандек бир нафас айланмади,  
Лек мудом бир хилда колмас чархи гардон, гам ема!  
Номид бўлма, илохий сирга аклинг етмаса,  
Кўп ўйинлар, билсанг, ул пардада пинхон, гам ема!  
Гар фано сели хаётингнинг асосини йикар,  
Нух панохинг бўлса, келсин, майли, тўфон, гам ема!  
Каъба шавкида бисбонларни катъ эсанг агар,  
Шох-тикан тилса оёкни, айласа кон, гам ема!  
Бизга ёр хажри, ракиб озори, бас, кисмат эмиш,  
Холимиздан бохабар аслида Яздон, гам ема!

Кимки саргардон бўлиб, оламда гамхўр топмади,  
Окибат бир меҳрибон топгай ул инсон, гам ема!  
Гарчи манзил кўп хатарлик, гарчи мақсад ноён,  
Йўк бирор йўлки, унга бўлмаса поён, гам ема!  
Бу факирлик гўшаси, тун хилватида, Хофизо,  
То ишинг зикру дуо, тахсили Куръон, гам ема!

\* \* \*

Дўстлар базму висолин ёдда тут!  
Ўтган ул кунлар хаёлин ёдда тут!  
Бир вафоли дўст тополмайсан бу кун,  
Ул вафо ахли камолин ёдда тут!  
Килди гам аччиги огзимни захар,  
Жом жаранги, май зулолин ёдда тут!  
Мен-ку гамга чора топмай ёнаман,  
Чорасиз холи махолин ёдда тут!  
Гарчи дўстлар мен факирни эсламас,  
Хар нафас дўстларни холин ёдда тут!  
Мен бало домига бўлдим мубтало,  
Хакпарастлар саъй-жидолин ёдда тут!  
Колди Хофизнинг сири айтилмайин,  
Сирдош улфатлар жамолин ёдда тут!

\* \* \*

Жахонда бўлди одат бевафолик,  
Бировда йўк нишони ошнолик.  
Хунар ахли факирлик хасратидан  
Хасислар қошида килгай гадолик.  
Бу кун хар кимки донишманд жахонда,  
Унга қисмат аламга мубталолик.  
Киши жохилу нодон бўлса қанча,  
Бу бозорда унинг моли баҳолик.  
Ўқиб шоир чиройли шеърларини  
Кўнгилларга улашса рўшнолик.  
Тарикча хайру эксон айламаслар,  
Санойидек агар шеъри сафолик!  
Кеча аклим қулогимга шивирлар:  
Чида, кетмас бошингдан бенаволик!  
Кел, эй Хофиз, бу пандни тингла жондан,  
Адо қилгунича шеърга фидолик.

\* \* \*

Эй шом, кўйимиз сари гузар қил!

Эй тонг, колимизга бир назар кил!  
Тун зулматида эзилди жисмим,  
Ё Раб, кора тунларни сахар кил!  
Эй тонг ели, ул санамга айтгил:  
Курбонларинг сари гузар кил!  
Хажринг гамида агарчи ўлдим,  
Эй ёр, мени ўкингга сипар кил!  
Кошини камонидан хазир бўл,  
Ноз-ишваси ўкидан хазар кил!  
Максадга етолмасанг, аё дил,  
Жим бўл-у, сўзингни мухтасар кил!  
Ёр васлини, Хофиз, истар эрсанг,  
Жон бер йўлида-ю, тарки сар кил!

\* \* \*

Ёр ишки менга нихрли хайрат,  
Ёр васли менга камоли хайрат.  
Васли майига чўмиш бас, охир —  
Кўрсатгуси юз жамоли хайрат.  
Бас, колгуси на висол, на восил,  
Хар кайдаки бор хаёли хайрат.  
Тутмиш еру кўкни бир овоза,  
Эшитдим эса: саволи хайрат.  
Тан берди улуглигига буткул,  
Ким англади не жалоли хайрат!  
Хофизни вужуди бошдан-охир  
Ишк ичра эмиш ниҳоли хайрат.

---

\* \* \*

Дардим мени дилдордан-у, дармон хам,  
Дил бўлди ўшал ёрга фидо-ю, жон хам.  
Хусн ичра топилмас тенги ёрни, аммо,  
Ул ишқу мухаббатда шахи даврон хам.  
Конимга эмиш ташна у — тутсин ёдда:  
Синдирди-ю аҳдини, унут паймон хам.  
Мен-ку яширур эрдим азал ишкимни,  
Афсона эмиш эл ичида, достон хам.  
Бас, давлати васли-ку муяссар бўлди,  
Албатта ўтар айрилигу хижрон хам.  
Ёр хуснининг бир жилваси икки олам,  
Ундан яна не пайдо бўлар, пинхон хам.  
Дунё ишига йўқдир ишончим асло,

Юрмайди раъйингга чархи гардон хам.  
Ошик чўчимас хеч кишидан — май келтир,  
Хеч козини кахри-ю, хукми султон хам!  
Ул мухтасиб яхши билар: Хофиз — ошик,  
Шу мулки Осаф, давлати Сулаймон хам!

\* \* \*

Эйки, доим ўзингга магрурсан,  
Бўлмаса аклинг сени, маъзурсан.  
Сенки ишк ах.лига теккизма тилинг,  
Аклу окиллик ила машхурсан.  
Ишк майининг мастлиги йўк бошингда,  
Чунки узум суви-ла маъмурсан.  
Ранги сомон, охи мисоли оташ,  
Ошик элининг нишонин сўрсанг.  
Бахридан ўт номусу орнинг, Хофиз,  
Иста май жоминиким, махмурсан.

\* \* \*

Мусулмонлар, менга вакти дил эрди,  
Дедим ёримга хар не мушкил эрди.  
Бирок хамдарду сри маслахатгўй  
Азал суянчи хар ахли дил эрди.  
Гамидан май каби гирдобга тушдим,  
Илож ёлгиз умиди сохил эрди.  
Менингдек ёр кўйида йитди кўплар,  
Этакдан тутгучи не манзил эрди?  
Бу телба бандага рахматлар айтинг,  
У бир вақт корвони комил эрди.  
Менга сўз дарсини ўргатди то ишк,  
Сўзим катта-кичикка маъкул эрди.  
Талаб йўлида дурлар тўкди кўзим,  
Бирок ёр васлидан бехосил эрди.  
Етар, айтмаки, Хофиз нуктадондир,  
Ахир, кўрдик-ку биз: кўп гофил эрди.

\* \* \*

Зоҳиди зоҳирпараст ишк ахлидан огоҳ эмас,  
Бас, маломат килса-килсин — сўзлари дилхоҳ эмас.  
Хар не юзланса сулукда лутф эрур солиқ учун,

Ул сироти мустақимда ҳеч киши гумроҳ эмас.  
Уйнар-у рух минг мақомда, биз пиёда сургамиз,  
Дона сурса тахтада риндлар мажолӣ шох эмас.  
Бу мунаққаш, сержило, олиймақом айвон недур?  
Бу муаммодан жаҳонда ҳеч киши огоҳ эмас.  
Демагил билмас ҳисобни соҳиби девонимиз,  
Баски, икроринг нишони ҳасбатанлиллоҳ эмас.  
Хохлаганлар келсин-у, хохлаганини сўзласин,  
Ушбу кибр этгучи, хожиб тутгучи даргоҳ эмас.  
Бош уриш майхонага ошики содиклар иши,  
Худфурушлар майфурушларга сира ҳамроҳ эмас!  
Келса ҳар не кўргулик — боиси бизнинг килгилик,  
Бўлмаса, лутфу караминг кимсага кўтоҳ эмас.  
Мен харобот пирига кулмаи — мудом лутф кўргузар,  
Чунки лутфи шайху зоҳид кавмининг ҳар гох эмас.  
Химмати Хофизни юксак: истамас мавке-мақом,  
Кўхна май ошиги орзуманди молу жоҳ эмас.

\* \* \*

Зоҳиди хилватнишин келди кеча майхонага,  
Тавбасин синдирди-ю, чўзди кўлин паймонага.  
Давра сўфийси кеча жомларни синдирган эди,  
Катра май ичди-ю, айланди яна фарзонага.  
Ёши ўтган борки, гафлат баҳрига чўмган эди,  
Кексаликда дўнди кайта ошики девонага.  
Дину дил овлаб юрар эрди туну кун мугбача,  
Ёр йўлида айланибди ҳаммадан бегонага.  
Гул юзининг оташи куйдирди булбул хирманин,  
Шамъни кулган чехраси офат эрур парвонага.  
Кеча-кундуз йиглагандик, шукр, зоеъ кетмади:  
Килди тенг кўз ёшимиз ҳар катрасин дурдонага.  
Сехру жоду оятин ўқийди сокий кўзлари,  
Халкаи аврод берар жой мажлиси афсонага.  
Энди Хофиз манзили подшоҳлар даргоҳидир,  
Кетди дил дилдор билан, боғланди жон жононага.

## СОКИЙНОМА

Фитнасин бошлагай бу кун рўзгор,  
Мену майхўрлигу ёр — кўзи айёр.  
Кел, сокий, май келтир, тузалсин ахвол,  
Етишсин фарогат, етишсин камол.  
Бода тут — йикилдим вайрон ўлиб дил,  
Бу ҳар иккисидан олмадим ҳосил.

Кел, сокий, келтиргил шароб тўла жом,  
Кайхусрав, Жамшидга юборай пайгом.  
Най ила айтайин, эшитсин улус  
Кай бири Жамшиду кай бири Ковус.  
Фотихлик кимёсин келтир, эй сокий,  
Корун ганжи Нухдек топсин умр бокий.  
Кадах тут — умрингга умр кўшилсин!  
Орзуйинг эшиги шунда очилсин!  
Сокий, Жам жомидан тутгил шундай май,  
Йўкликда ободлик лофини ургай.  
Менга берки, агар ёрлик килса жом,  
Жамдек билай олам сиррин батамом!  
Бу кўхна оламнинг сайридан гапир,  
Ўтмишдаги шохлар умрида не сир?  
Бизга хамон манзил бу хароб жахон,  
Афросиёб тахти кетмишдир каён?  
Лашкарбоши Пирон турмас оёқда,  
Турон киличбози Шеда каёқда?  
Пирон кайга кетди, лашкари кани?  
Туронли Шеда-чи, ханжари кани?  
Факат тахту касри бўлмади барбод,  
Мозорин хам хеч ким айламайди ёд.  
Хали хам бизларга бекат биёбон,  
Тур лашкари унда гум бўлган осон.  
Не хуш сўз демишди Жамшиди доно:  
Арпа донча турмас беш кунлик дунё!  
Сокий, ўшал тобнок оташни келтир,  
Зардуштни чикорсин тупрокдан ахир!  
Менга бер-чи, ичиб бўлай ринду маст,  
Наздида бир оташ ё дунёпараст.  
Кел, сокий, хар кимда нихоний иффат,  
Харобот ичинда ўлтирар факат.  
Май бергилки, бадном бўлмок истайман,  
Хароби маю жом бўлмок истайман.  
Андишага олов солгувчи май бер,  
Ўрмонга ўт кўйсин уни ичса шер.  
Ичиб, шергир фалак бошига борай,  
Бу кекса бўрига тузок хам солай.  
Шундай май бер, сокий, жаннатий оташ  
Ила хур атрини килиб аралаш.  
Бу хушбўйликни хам урай оташга,  
Бир хушлук келтирай аклу дил гашга.  
Май бергил, эй сокий, келтирсин шохлик  
Поклигидан кўнгил берсин гувохлик.  
Май бергил гунохдан пок айлаган чок,  
Гўрдан бош кўтарай, ишратда кувнок.



Рухонийлар боги бўлмиш масканим,  
Нечун тахта узра банддадир таним?  
Менга шароб бер-у, давлатим кўргил!  
Хароб айлаб, ганжи хикматим кўргил!  
Мен шундай кўлимга кадах олган он  
Бўладир кўзгуда хар сир намоён.  
Мастликда подшолик дамин ургайман!  
Шохликда гадолик дамин ургайман!  
Мастликда сир дуррин терайин чандон,  
Бехудликда сирни ким тутар пинхон?  
Агар Хофиз кўшик айтса мастона,  
Зухра рубоб куйи тўлар осмона.  
Муганний, кайдасан, янгротиб рубоб,  
Шохона кўшикни эсга ол шу тоб.  
Бехудлик йўлини танлабон биз хам,  
Зикр шўх раксига тушайлик бул дам.  
Тахту тож икболи фаровон бу кун,  
Дарахтида шохлик меваси тўкин.  
Замон подшохи, замин сардори,  
Давлат осмонининг ойи, тождори.  
Ул шохлик тахтининг устуворлиги,  
Балиқдан кушгача тинчлик ёрлиги.  
Икбол эгаларин кўз нур хикмати,  
Сохибдил кишилар валинеъмати.  
Ало, эй хумою хумоюнназар,  
Фариштатабиат, муборақхабар,  
Фалак садафида сендек гавхар йўк,  
Фаридун, Жамшидда сендек жавхар йўк.  
Искандар тахтида даврон сур кўп йил,  
Донишмандлик ила кашф этиб кўнгил.  
Бировнинг дилига тиг урса рўзгор,  
Бошка биттасини килур мансабдор.  
Муганний, чалиб бер янги бир наво,  
Рубоб чалиб, айла ракибга нидо:  
Бу кун ёв устидан топурмиз зафар,  
Осмондан келмоқда яхшилик хабар.  
Муганний, хурсандлик куй-ла кўш хисса,  
Газал кавли бирла бошлагил кисса.  
Гам юкидан ерга ботмишдир оёк,  
Усулинг зарби-ла кўзгатгил бу чок.  
Улуглар кўнглини куй ила шод эт,  
Парвизу Борбаднинг номини ёд эт!  
Муганний, пардадан шундай накш ол,  
Парда тагидаги гапни эсга сол.  
Мусика садосин янгрот шу зайл,  
Нохид хам раксга тушсин муттасил.

Шундай чалки, сўфий хушидан кетсин!  
Маст бўлиб, хаёлан висолга етсин!  
Муганний, чилдирма, созингни соз эт,  
Яхшилиқ одати бирла овоз эт!  
Фирибгар жахоннинг киссаси равшан,  
Хомиладор бу тун не тугар экан?  
Муганний, озурда хотирим куйла,  
Ягона бўлса ҳам бу сирим куйла.  
Даврондан гам-алам кўради дилим,  
Билиб бўлмас кимга интизор ўлим.  
Муг ринди ёкмокда яна оловин,  
Кимнинг ўчоғини бузар калови?  
Кон тўқувчи бундай киёмат куни,  
Косаю кўзаси синсайди уни.  
Мастларга ашула пайгом юбормиш,  
Кетган дўстларга ҳам салом юбормиш.  
Кел, сокий, ўшал май оташга ошно,  
Юбор, гамдан халос бўлай мутлако!  
Менга май бер — кўнгил султони эдим,  
Бу кун олис кетдим, дил жони эдим.  
Кел, сокий, келакол, умр — бевафо,  
Май — восита, унга гадо бўл, гадо!  
Факат май умрга кўшадир умр,  
Гойибнинг эшигин хар дам очадир.  
Кел, сокий, шароб суз, мажлис эт барпо,  
Дунё бевафодир, дунё бевафо!  
Унинг килмишидан шуни олдим ёд,  
Кайкубод тожини ул этди барбод.  
Кел, сокий, дил комин майдан эт талаб,  
Дил оромин истаб, ич кеч, эрталаб.  
Агар дарду гамга сабр этса дил,  
Дилдан куткармокни майдан талаб кил.  
Кел, сокий, косани кил лиммо-лим май,  
Сўзлаб берай нечук ўтди Кисро, Кай.  
Кел, сокий, дунёдан гафлатда колма,  
Охир конинг тўкар — ичишдан толма!  
Кел, сокий, келакол, саркашлик килма,  
Сен ҳам тупроқдансан, ўтдан деб билма!  
Кадахга майни куй, ёкимли оташ,  
Айникса, соф бўлса ва эрса бегаш.  
Кел, сокий, эсганда хуш бўйли насим,  
Дунёда колмагай на олтин, на сим.  
Келтир, сокий, бода бўлсин лаълин, соф,  
Кўлга тут, тугасин бу ёлғону лоф.  
Тасбеху хиркадан безорман мудом,  
Май-ла икковидан бўшат, вассалом!

Майхона кунжидан келакол, сокий,  
Ундан узоклашма, унда умр бокий.  
Деса ким: майхона юурсан нечун?  
Не жавоб берурсан? Де: Хайрли тун!  
Келтир, сокий, менга аргуvon кадах,  
Ундан дилга шодлик ва жонга фарах.  
Менга тутгил, гамдан халослик берар,  
Базмга кўрсатиб йўл, хослик берар.  
Кел, сокий, май тутки, бўлсин жонпарвар,  
Хаста дилга жондек гамхўр диловар.  
Май бергил, жахонга курай бир чодир,  
Сарпардам осмондан баланд бўладир!  
Кел, сокий, куёшдек, ойдек, тутгил жом,  
Тахтим оёгида фалак, вассалом!  
Кел, сокий, кўхна ул майхўрлик бўлсин!  
Маст бўлай, кадахинг пайдарпай тўлсин!  
Бегаш кадахингдан агар бўлсам маст,  
Хуш куйларни куйлай мен — ишратпараст.  
Кел, сокий, жаннатдек бўлди анжуман,  
Юзингдан яшнади мисоли гулшан.  
Майдан четга, сокий, тушмайдир йўлим,  
Бир кадах бокий май ила тут кўлим.  
Жонимни халкумга келтирди даврон,  
Муглар дайри томон йўл олдим равон.  
Бу жахон гамидан наф йўқдир, хеч наф,  
Уни килмок мумкин бода ила даф.  
Кел, сокий, завкбахш майдан суз бул кун,  
Ул майдан Рахшга минмоклик мумкин.  
Тахамтан мисоли олайлик майдон,  
Дилимиз коми-ла килайлик жавлон.  
Кел, сокий, узатгил ёкутдек ичку,  
Шодлик эшигини дилга очар у.  
Кел, сокий, май тутгил мисли Салсабил,  
Жаннат борлигидан дилга у далил.  
Май бер, шўх куйласин чилдирмаю най,  
Кай тожидан авло менга ундай май!  
Кел, сокий, подшоҳ хузурига бор,  
Жамшид тожли шохга сўзим эт ошкор:  
Бенаво мискинлар дилини овла,  
Сўнгра жахоннамо жомингни ковла...  
Муганний, чалгил чанг ила арганун,  
Кўнгилдан кув нокас бу дунё фикрин.  
Агарда бир замон бўлсам хотиржам,  
Кўнгилда колмагай на дарду на гам.  
Мастларга ашула ва жом юборгил,  
Кетган сронларга салом юборгил.

Муганний, бери кел, мен-ла этма жанг,  
Чилдирмага кўл ур гар бўлмаса чанг.  
Эшитдимки, бошга тушса гам, бало,  
Чилдирма овози кўнгилга даво.  
Муганний, кайдасан, гул вақтидир, гул,  
Чаманни чах-чахга тўлдирди булбул.  
Коним кайнат, дилни урушга келтир,  
Бир нафас чангингни хурушга келтир!  
Муганний, бери кел, удинг бўлсин соз,  
Янги-янги наво айласин овоз!  
Бир нагма ила кил дардимга чора,  
Дилим мисли хирка айла садпора.  
Муганний, не бўлур килсанг лутфу кут,  
Найинг бирла дилга солсанг оташ, ўт.  
Мени фикру ўйдан халос эт бир дам,  
Дардим куйиб кетсин, барбод ўлсин гам!  
Муганний, кайдасан, наво эт ният,  
Биздек бенавога бер имконият.  
Охир бўшар экан биздан бу дунё,  
Билиб кўй, шохликдан гадолик аъло!  
Муганний, тинчима, куйла чалиб соз,  
Биз бечораларга ўзинг чорасоз.  
Ирок йўлин кўрсат ўзинг чалиб рудх  
Кўзларим сувини айла Зиндаруд.  
Муганний, кел, эшит мендан ушбу панд,  
Менинг тилим билан сўзлар донишманд.  
Агар гам бошласа хужум — туз лашкар:  
Чилдирма, рубоб, най, чанг бўлсин аскар.  
Муганний, сиримга сен ёлгиз махрам,  
Бир муддат най чалиб, хамдам бўл бир дам.  
Май бирла улоқтир дилда бўлса гам,  
Бир дам найинг чалки, бир дамлик олам.  
Муганний, кайдасан, чалсанг-чи, рубоб,  
Кел, сокий, косага солсанг-чи шароб!  
Кел, ишрат килайлик ўлтириб бохам,  
Енгилтаклик килиб, кулайлик бир дам.  
Муганний, шеъримдан ўкиб бир газал,  
Барбат куйи ила дардга топ амал.  
Келакол, дунёга хирс кўйма зинхор,  
Киши мол-дунё-ла топмагай карор.

Шоислом Шомухамедов таржимаси

ТАРЖЕЪБАНД

Дўстликни нега совурдинг, эй ёр?  
Шул бўлдим ваъда, а вафодор?  
Мажруху заиф дилимга токай  
Гам илгида бергузарсан озор?  
Зулфингга асиру бекарорман,  
Айтгинки, бўлак не хислатинг бор?  
Токай бу гарибларингни жонин  
Кийнаб этасан жафо билан хор?  
Хар канчаки дилни куйдирурсан,  
Мен токат этарман, э ситамкор!  
Рахм ила, дедим, ситам килишдан  
Кўл тортасан энди балки, дилдор?  
Йўк зарра умидки, сан бирор кун  
Ошикка бўлурмидинг вафодор?  
Энг яхшиси шулки, сабр этарман,  
Максадга шу йўл билан етарман.  
Сокий, ичай энди кона-кона,  
Тун бодасидан сун ошикона.  
Бошимда агар хушим бўларкан,  
Тўхтатма кадахни — кил равона!  
Ошёнасидан чаманда кушлар  
Бошлабди ёкимли шўх тарона.  
Созанда кўлингга созинг олгил  
Сен хам шу нафасда бебахона.  
Ёр васлидин айлагил тараннум,  
Дилдан чикар уд каби тарона.  
Токай бу замон гамин егайсан,  
Хофиз, май ич, айла шодиёна!  
Кўксимда аланга олди кўп вақт,  
Кўнглим гамин ўти голибона.  
Гар бўлмаса хажр денгизининг  
Киргокларидан бирор нишона.  
Энг яхшиси шулки, сабр этарман,  
Максадга шу йўл билан етарман.  
Ўлсам агар ишк азобидан ман,  
Дилни уза олмагум гамингдан.  
Ой бирла куёш дилини эзгай,  
Нолам мени кўк сари етаркан.  
Хар лахзада кошларин камони  
Ўқлар отади карашмасидан  
Завкин тугатолмагай Аторуд  
Ўткир каламини шархи бирлан.  
Гўдакман-у, ишк гамида кекса,  
Кексаман-у, ишк гамида ёшман.  
Бошимни тутиб мисоли Саъдий,  
Сабр айлайн, ўлтирай бериб тан.

Гам бандига солди бу замона,  
Ташлаб меии кўп узокка сендан.  
Энг яхшиси шулки, сабр этарман,  
Максадга шу йўл билан етарман.  
Эй нозли нигору шўх дилдор,  
Ойдек юзинг оч — бокар кўзим зор.  
Бошлаб яна умр аввалидан,  
Тавбам ушатай тамоман, э ёр!  
Кўзим йўлагидан элга, эй дўст,  
Сиррим эл ичида бўлди ошкор.  
Ишк ичраки, хажр бошланибдир,  
Кай хилда бу жонга тинчимок бор?  
Умрини бутун совурди елга,  
Хар кимки, гаминггадур гирифтор.  
Гам кўраси ичра ишк ўтида,  
Эй дил, куй-у, уд каби дегил: ёр!  
Босган изидан ўпишга ёрни  
Кўймайди замона бирла агёр.  
Энг яхшиси шулки, сабр этарман,  
Максадга шу йўл билаи етарман.  
Эй комати сарву, э гуландом,  
Хижлатда юзингдан ой хар окшом.  
Келгил яна, ўт ёкувчи хажринг  
Кўнглимдан олибди сабру ором.  
Дил кушдек илинди у тузокка,  
Хол — донаю кокилинг бўлиб дом.  
Кўп кездим-у, етмадим муродга,  
Хажринг била хам олурман ором.  
Гам бирла фиरोку мен, бу ахвол  
Кайга етадур топиб саранжом?  
Хажринг гамидир мудом насибам,  
Ё йўкми аламдан ўзга айём?  
Хофиз, шу эрур жах, онда максуд:  
Ёр сухбати бўлса-ю, маю жом!  
Хозирдаки блмагай муяссар  
Дил максади сендан, эй дилором!  
Энг яхшиси шулки, сабр этарман,  
Максадга шу йўл билан етарман.  
Жон рохати — севгили нигорим,  
Орзули дилим умиди — ёрим.  
Шодман гаминг ила, чунки хар вақт  
Утлуг аламинг менинг мадорим.  
Кетдинг-у, унутдим ўзни, эй дўст,  
Маълум эмас йўк ила борим.  
Жонимда висолинг орзуси,  
Хажрингда ўтар бу умри зорим.

Утди бу кеча, нигор, сенсиз,  
Кўз сшим окиб, тугаб мадорим.  
То тутмагунча ажал ёкамдан  
Илгим этагингда — шул карорим!  
Саъйим била хаста дил муроди  
Хеч бўлмади хосил, эй нигорим!  
Энг яхшиси шулки, сабр этарман,  
Максадга шу йўл билан етарман.  
Эй, дилга гамингни захми мархам,  
Ишкинг юрагимга ёру хамдам.  
Жон бўйнида кокилинг таноби,  
Кўнглим узуги лабингни билсам.  
Кошинг тигидир жонимга жаллод,  
Дил хокими бўлди кўзларинг хам.  
Кўнгилда нигор-у, мен ўт ичра,  
Ёр ишки кўнгилда — бошка не гам!  
Максадга етолмай, энди дерман:  
Бошимни олай узокка шул дам.  
Хофиз, на бўларди бахра олсанг  
Дил оламиданки — файзли олам!  
Дилбарни висоли мулки дилга  
Осонгина бўлмагач мусаллам.  
Энг яхшиси шулки, сабр этарман,  
Максадга шу йўл билан етарман.  
Чустий таржимаси

## КИТЪАЛАР

Шох, вазирлар ваъдасига берма кўнгил, эй жигар,  
Ким билур — кай йўл билан бўлгай кушод иш охири ?  
Бор — таваккал кил: каламдан тўкилур хар бир замон  
Янги накшу янги ранг, аммо каён онинг сири?!

\* \* \*

Менинг шеърим гулканд эрур, Новвот эмас, шахду асал.  
Кимнинг огзи новвотдан шўр, Айб этма, ким канддан ўсал.  
Гавго тушар бошига, ким Зуллол сувдан бўлса касал.  
Ким онадан тугмиш басир, Кўнглин ололгай кай гўзал?

\* \* \*

Булбул айлар нола-ю, гул ханда килгай хар замон,  
Не учун дил куймасин дилдори оташ ташлагач?

Чакмани жун зоҳиду шайхдан етар ноҳушлик,  
Мен гуломи мутриб ўлдим савти бегаш ташлагач.  
Зоҳидо, килма хазар мужғони тийридан ҳечам,  
Заҳми пинхондир они қоши камонкаш ташлагач.

\* \* \*

Яҳши-ёмонни сен ўзингдан сўра,  
Мухтасиб, бошқадан сўрамак нечун?  
Ёмондан узоклаш, яҳшига ёндаш,  
Беҳуда ўтмасин умринг туну кун.  
Биласан, ризкимиз берувчи — Худо,  
Сен тамаъ кетидан бўлма кўп дилхун.

\* \* \*

Мардумозордан ит ҳам этар ор,  
Итдан пастрокда — ким мардумозор!  
Ҳақиқат бу сўз ичра муҳайё,  
Дилга жо бўлсин ундаги маъно.  
Одам-ку сен билан бир дастурхонда,  
Ит эса кўчада — совук, бўронда.  
Минг хайф, шул одамдан чиқади душман,  
Аммо доим вафо кўрасан итдан!

\* \* \*

Тўрт хил жойда — тўрт гавхарман, —  
Деди жомга лаълин шароб. —  
Зумуррадман ток ичинда,  
Шиша ичра акик, ноёб.  
Хум ичинда Зухро эрсам,  
Жом ичинда — ёркин офтоб...

Эй покиза, олий зотинг бўлса хирсу адоватдан,  
Эй тоза дил, бахт асосинг бўлса ёлғону фириб,  
Улуг насаб сенга қандай раво бўлсин, бу табъни  
Девга тортик этган бўлса, ҳатто паридан олиб.

\* \* \*

Мадрасалар саройи, току равок, илму баҳс,  
Дили доно бўлмаса, фойда келтира олмас.  
Фазилатнинг манбаи бўлса ҳам қозихона,  
Кўзи бино бўлмаса, фойда келтира олмас.



Эй одам, фалакдан эркинлик, шодлик,  
Хуррамлик, айш-ишрат истасанг агар,  
Молу хашамату мансаб фикрин кўй,  
Боридан кеч — факат талаб эт согар!

\* \* \*

Жахон моли кетидан югургандим бир замон  
Охири тушундимки, фойдасидан кўп зарар.  
Фалак менга не берса, ўлпонини ундирди,  
Фарёд килганим билан ёшлик ўтди саросар.  
Умр ўтиб кетмоқда — молу мулк тўхтатолмас,  
Умр андухи бул кун барча аламдан баттар.

\* \* \*

Энди бир нафас умрим икки жахон молига —  
Алишмайман, кўш жахон назаримда мухтасар.  
Вайрона дилим ичра хунаримдир хазинам,  
Дилим дарё бўлса гар — осту уст тўлик гавхар.  
Бундан кейин бошингга не иш тутса хам, Хофиз,  
Гам емайин шод яша — жахон ўткинчи, ўтар!  
Шоислом Шомухамедов таржималари

## РУБОИЙЛАР

1

Жонон бу кечани мен билан ўтказди,  
Бу бахтни менга Худо ўзи етказди.  
Ўлим гами йўк энди менга, чунки санам  
Жонбахш лабидан оби хаёт тутказди.

2

Ул шамъи Чигил дардини айтиб бўлмас,  
Куйган бу кўнгил дардини айтиб бўлмас.  
Андин юрагимда гамки, йўк махрами роз,  
Хар кимсага дил дардини айтиб бўлмас!

3

Бир лахза лабингни олмагил жом лабидан,  
То топса жахон комини дил жом лабидан.  
Омухта жахон жомида аччигу ширин,  
Бул ёр лабидан етга-ю, ул жом лабидан.

4

Душманнинг жафосидан мудом коч, эй дўст!  
Яхши кишиларга кучогинг оч, эй дўст!

Одам санама, кўлингни юв нокасдан,  
Мехринг хунар ахли бошидан соч, эй дўст!

5

Бир мохки, кади сарвга менгзар, оё,  
Кўзгу кўлида — ўзига бергай оро.  
Дер менга кулиб рўмолча пешкаш этсам:  
«Васлим тиладингми? Хом хаёлинг, аммо!»

6

Мен бандаси ул кимсаниким, шавки баланд!  
Гар бўйнида тавки ишк, абас, мавке баланд!  
Ошик шу ишк кайфини сен не биласан,  
Бул бодани ул кимса ичар — завки баланд!

7

Турк чехрали ул фаришта жон касди эди,  
Кўздан яширин хур каби бўй-басти эди,  
Тор бўлмаса мунча огзинг — йўкдек-ку, десам,  
Куйманг-да килиб тамаъи хом асти, деди.

8

Эй бахт, факирга кани бир ёр бўлсанг,  
Мажрухи замон — дилга мададкор бўлсанг.  
Ёшлик-ку чикиб кетди жиловдек кўлдан,  
Кексалик узанги каби пойдор бўлсанг...

9

Дам урди вафодан ким — у дупгман бўлди,  
Пок кимса учун фосиклик фан бўлди.  
Тунни дедилар хомиладор, хайронман:  
Эр кўрмай у иккикат кимдан бўлди?!

10

Ёр зулфи панохида суман топди ривож,  
Ёкут лабидан дурри Адан топди ривож.  
Дилларга ривож берса лабидек кошки,  
Дунё-да унинг ишки билан топди ривож!

11

Шўхликдами, бизнинг ўша дилбар тоқдир,  
Бечора дилим висолига муштокдир.  
Ўймок каби — огзи, юзи — лола, тани — сийм,  
Ширинсўзу боз латифу сийминсокдир.

12

Дўст бирла ўтир хамда маю жом иста,  
Шод этсин ўпич бериб гуландом, иста.  
Хохлайди жарохатин ботишин мажрух.  
Жаррохга келиб, дардинг учун ком иста.

13

Бўлса эди бир шўх санаму барбату най,  
Хилват ва фарогат, яна бир шишада май,  
Майдан кизибон тандаги бор томиру пай,

Бир арпа умид килмас эдик, Хотами Тай!

---

14

Кел, кўлда тутиб килгучи шод бодаи ноб,  
Кел, сифла ракибдан яширин хамда шитоб.  
Душман сўзига кирма сира, кетма, ўтир,  
Кел, тингла бу нуктани-ю, нўш айла шароб!

15

Бог ичра бўлиб боди сабо дояи гул,  
Машшота мисоли ясатиб пояи гул,  
Гар соя аро топса омонлик офтоб,  
Бас, иста куёш юзлини-ю, сояи гул.

16

Ул жомки, сафо гулшани — тут илкимга,  
Ёр тимсоли согар — ани тут илкимга.  
Занжир каби ул май ўралар ўз-ўзига,  
Девонаси бўлдим, кани, тут илкимга!

17

Харгиз мени ёд айламадинг, шамъи Чигил,  
Мушкул эса-да бу мен учун — кўнди кўнгил.  
Дардеки, гамингдан юрагимда кат-кат,  
Дил билга-ю мен билгум, мен билгум-у дил.

18

Сен — тўлган ой-у, сенга куёш банда эмиш,  
То банда эмиш ўшал — равшан-да эмиш.  
Бир чехраки, офтоб нур эмиб шуъласидан,  
Ой хам илибон ёгду билан шаън-да эмиш.

19

Ул фасли йигитликда шароб кўп создир,  
Гул юзлар ила бодаи ноб кўп создир.  
Олам-ку хароб работ эрур бошдан-оёк,  
Бўлмок бу хароб ерда хароб кўп создир.

20

Гар биз каби сен хам асири дом бўласан,  
Азбаски, хароби бодаю жом бўласан.  
Дунёсига ўт кўйгучи ошиклармиз,  
Биз бирла ўтирма сира — бадном бўласан!

21

Ким кўрди у ёрдан вафо — мен кўраман?  
Ким кўрди жафодан сафо — мен кўраман?  
Умримсан-у, аммо бевафосан, не килай,  
Ким кўрди умрдан вафо — мен кўраман?

22

Зулфингнинг учи каби менинг каддим хам,  
Ошуфта дилим лабингни истар хар дам.

Писта каби танг лабинг — дилимнинг ризки,  
Холимнинг танглиги аён шундан хам.

23

Сендан мени бу фалак айиргандан буён,  
Ким кўрди лабимда бир табассумни, қачон?  
Хар қанчаки хижрон гами бор кўнглимда —  
Бир мен биламан ҳамда Худованди жахон!

24

Хажринг ўгида шамъ каби афзун йиглай,  
Жомдек тўкайин-у ашки гулгун, йиглай,  
Май жомига ўхшайман-у, дилтанглиқдан  
Чанг ноладини тинглар экан, хун йиглай...

25

То тонггача юммадим гаминг ичра кўзим,  
То тонггача ёш тўқдим — кўп дилда сўзим.  
Дардингни бировга сира айтиб бўлмас,  
То тонггача гаплашдим ўзим бирла ўзим.

26

Бу сўзи ширинлар ахдига йўқ поён,  
Орифлар улар йўлида бергайлар жон.  
Маъшука хамиша ихтиёринг да бўлар,  
Ишқбозлар аро бўлмаса номинг дoston.

27

Хижрон куни бу — дўстларни ёд айлагали,  
Айш вақти эмас кўнгилни шод айлагали.  
Май жоми кошимда бўлса-да хушёрман,  
Бир дўстим йўқ, чунки нашот айлагали.

28

Ишкинг гамидан қон тўла дил кишварида,  
Хуснинг сенинг ақл идрокидан ташқарида.  
Зулфинг кўйида зору гарибдир бу дилим,  
Ох, холи унинг не бу тун сендан нарида?..

29

Эй, тимқора зулфинг куёшга соя,  
Гўёки никоб кулохинг янги оя.  
Шом бўлса яловбардор мушкин хатишта,  
Тонг чоқар сен каби камарсиймоя.

30

Жон зулфини халқаси аро истар жой,  
Зероки, бало бандини очгай ул ой.  
Ёр қоши учун жонимни пешкаш қилдим,  
Кўрсатса юзин зора ўшал қоши ёй.

31

Гул сўйлар эди: «Оёк-кўлим бўлсайди,  
Кочиқ кутулар эдим — йўлим бўлсайди.  
Айбим йўг-у, шунча қуйдим, ох, яхши эди —

Айбим боридан кўра ўлим бўлсайди...».

32

Создир неча дилни май билан шод этсак,  
Ўтган билан кетганни-да кам ёд этсак  
Хам бир йўла зиндоний омонат жонни  
Бир лахза акл илкидан озод этсак...

33

Бул кеча гамингдан кон аро ётгумдир,  
Ранж бистарида хижрон аро ётгумдир.  
Гар шубха этарсан, ўз хаёлингни юбор,  
Кўрсин ўша не афгон аро ётгумдир...

34

Гул гунчаси то бодага хамроз бўлгай,  
Май майлида наргис кадахсоз бўлгай.  
Фориг дили ул кимсаниким мисли хубоб  
Майхонага йўл тутиб, сарафроз бўлгай!

35

На давлати дунёни(нг) ситамга арзир,  
На лаззати мастликни(нг) аламга арзир,  
На шодлиги дунёни неча минг йиллик  
Ул бир неча кун мехнату гамга арзир.

36

Улфатлар аро кай куни дил килди хитоб:  
Гул мавсумида тарк этайин бодаи ноб.  
Булбул чаман ичра кичкириб берди жавоб:  
Гофил, бу нима — фасли гулу тарки шароб?!

37

Мен ҳақдаги фикрингни, сабо, сўзла нихон,  
Оз бўлса-да ишк изхорига мингта забон,  
Охиста сўз оч сўз орасинда, токи  
Севгимни малол олмасин ул қоши камон.

38

Харчанд фирок сендан узокка солсин,  
Сабримни юзинг хажри дилимдан олсин,  
Бир бор назарим тушса бўлак юзга агар,  
Хуснинг тузи ҳақки, кўзларим кўр бўлсин!

39

Ич боданиким, мангу хаёт шу асли!  
Беш кун бу тирикликда нажот шу асли!  
Гул мавсумию дўсту якинлар сармаст,  
Шод бўл, бу жахонда чин нашот шу асли!

40

Ўлдим бўса бирла кучогинг орзусида,  
Улдим ўша жонбахш дудогинг орзусида.  
Чўзиб нетаман киссани, бас, киска килай:  
Ўлдим, яъни бошдан-оёгинг орзусида!

41

Чехранги, латофат ичра ойинаи рух,  
Тонгларда хаёлинг кадами берса шукух.  
Тортишга кўзимга кўркаман киприкдан:  
Бўлмасми хаёлингнинг оёги мажрух?

42

Мазмуни бўлай, дединг, хаёл-ўйингнинг,  
Сабр айла-ю, кўнглингни мудом тутгил кенг.  
Ох, сабр кани-ю, дил нима? Аслида дил —  
Кондир ўзи бир катра-ю, андишаси минг.

43

Кўзингдан макру афсун ёгилади,  
Важ излаб жангга кахру кин ёгилади.  
Кўнглинг яна колди хамнафаслардан тез,  
Берахм дилингдан тош тайин ёгилади.

44

Гам ичра мисоли бода кайнаб нетасан?  
Гам лашкарига карши нечук жанг этасан?  
Сабза каби лабдан бодани тутма узок,  
Сабза бўйида май ич — бехинпта етасан!

45

Кар кун дилим огрийди бўлак кайгу билан,  
Хар кун уради кўзга фирок ўзга тикан.  
Мен жахд этаман вале казо кайтаргай:  
«Иш бошка сен ўйлагандан унда умуман!»

46

Сув кетди тагига умр вайронасининг,  
Тўлмок гами босди умр паймонасининг.  
Эй хожа, кўзингни оч, замон хаммоли  
Рахтини кўпормокда умр хонасининг...

47

Эй, тортинади гунчаи мастур сендан,  
Хайрону хижил наргиси махмур сендан.  
Гул тенг кела олмас сенга, ул мохтобдан —  
Гар ёгду эмар, олади ой нур сендан.

48

Хеч бир умидингни окламас чарх — олчок,  
Хар айланишидан титра мисли япрок.  
Дединг: «Корадан кейин бўлак ранг бўлмас,  
Бўлди нега унда кора сочим оппок?!»

49

Гамдан ўзга менинг мададкорим йўк,  
Гамдан ўзга ишк ичра хам ёрим йўк.  
Бас, топмадим ўзга хамдаму хамрозни,  
Гамдан ўзга дўсту вафодорим йўк.

50

Максад йўлида умрни зоеъ килдим,  
Нафъ кўрмаганимни бу замондан билдим.  
Хар кимга деган эсам сени дўст тутдим,  
Бўлди ўша душманам — багрини тилдим...

51

Эй ёр юзи ишки, мени кўп зор этма,  
Дилхаста бу ринд ахлини хуммор этма.  
Расмини йўловчиларнинг, сўфий, биласан,  
Ринд ахли хакинда сўзни бисёр этма.

52

Келмайди хаёлимга ўйингдан ўзга,  
Йўл борини билмадим кўйингдан ўзга.  
Хар дийдага уйку ёкар, аммо менинг  
Кўзимга кўринмайди бўйингдан ўзга.

53

То хукми илохий бунда мангу бўлгай,  
Хамрохинг абад кувончу кулгу бўлгай!  
Кўлингдан агар мен бир кадах нўш этсам,  
Бас, мангу хаёт сармояси шу бўлгай!

54

Май майдалаб ўлтирса, на соз, сув бўйида,  
Дунё гаму ташвиншни кўй — бехуда.  
Гул умри каби хаётимиз ўн кундир,  
Бил хар дамани унинг ганимат жуда.

55

Шодлик кушининг наволари келмокда,  
Ё Боги Эрам хаволари келмокда,  
Ё ёр лабидан сабо хабар келтирмиш,  
Алкисса, ажиб садолари келмокда.

56

Аввалда вафо килди тутиб жоми висол,  
Маст этди-ю, хажр аро сўнг отди у хилол,  
Хар икки кўзим ёшга, дил оташга тўла,  
Тупрок каби жоним йўлида бўлди увол...

57

Офтобдек ул ой юзи мунаввар бўлди,  
Хатти бўйида чашмаи кавсар бўлди.  
Дилларни у солди чохиға кулгичининг,  
Чох теграси буткул мушку анбар бўлди.

58

Сепган каби юз тилим жигар устига туз,  
Хажринг гами тутди хаста кўнглим сари юз.  
Кўркиб яшаган эдим мудом хижрондан,  
Хайхот, ўша айрилиқ етиб келди бу кез...

59

Кўйингда менингдек киши йўк бехона,

Наздингда менингдек киши йўк бегона.  
Зулфинг дорига осишгани бежиз эмас —  
Ишкингда менингдек киши йўк девона.

60

Кўнглим куши то тушди гаминг домига-ей,  
Бўлди у йўликкан каби тиг комига-ей,  
Дунё кадахин шарбатидан безорман,  
Тўлди жигарим кони гаминг жомига-ей.

61

Вакт етди, хуморлар аста кўзголгайлар,  
Ёру маю соз ёнидан жой олгайлар,  
Ўткинчи хаётга касдма-касд ул дамда  
Жом бирла кадахга кора кон солгайлар.

62

Ер сочини тутдим: «Эй хаётим накши,  
Ўнглагил ишим, дилимнинг фарахбахши».  
Деди: «Кўй-у сочимни, лабимни иста,  
Бир лахзалик айш узун умрдан яхши!»

63

Жонон, сени тарк айламак эрмас осон,  
Зумрад хатинг қошида то бермай жон.  
Жонимни гизосидир у ёкут лаблар,  
Келмайди тенг унга икки юз минг маржон.

64

Дерларки, беҳишт эшигига етгаймиз,  
Май — кўлда, малак — кучоқда айш этгаймиз.  
Бас, биз маю маъшукни десак, не бўпти?  
Иш оқибати шундай экан, нетгаймиз?!

65

Гул бахти жуда кулган экан гулшанда,  
Йиглайди булут, гул-чи, килади ханда.  
Мактанса-да озодлигидан харчанд сарв,  
Тик кадди билан бўлибди гулга банда.

66

Важ топади, ким бодани инкор килади:  
Шундай тирилар, хар киши кандай ўлади!  
Бизлар яшадик маъшуку май бирла мудом,  
Бас, хисса: киёматда-да шундай бўлади!

67

Шўр бахтим агар бўлмаса ёр, мен на килай?  
Кўнглимни кувонч айласа зор, мен на килай?  
Кўзимнинг у гавхари эди — тарк этди,  
Бу гавхари йўк кўз энди хор, мен на килай?

68

Кай дам назаринг бу дили гамноқка етар,  
Гўёки куёш шуъласи хошоқка етар.



Сўз котма, эсам-да гар йўлинг тупроги,  
Минг хайфки, оввозинг агар хокка етар...

69

Гар кўйлагини ечса у ой юзли пари —  
Мотдир бу жахондаги гўзалларнинг бари!  
Калби кўринар кўксида нозиклигидан  
Соф сувда кўринган каби тош зарралари.

70

Шох тахтида ўлтирса-да тўкиб ёшини  
Гул зорланади: «Кўринг бу дунё ишини:  
Гар шунча куяр мен каби шаффоф хилкат,  
Вой, холига минг вой гунохкор кишининг!»

71

Токайгача бу элга жафо килгайсан?  
Озурда кўнгилларни яна тилгайсан?  
Дил ахли кўлида консираган тиг бор,  
Конинг сени бўйнингда эрур билгайсан?..

72

Тонг ели, ўшал сулуга хушторлигим айт,  
Бир кўргали ой юзини минг зорлигим айт,  
Тунларни ширин уйкуда ўтказгучи ул —  
Бегамга қачондан бери бедорлигим айт.

73

Дедимки: «Лабинг?» Деди: «Лабим — оби хаёт».  
«Огзинг-чи?» — дедим. Деди: «Бу — бир дона набот».

Дедимки: «Сўзинг?» Дедики: «Хофиз айтмиш:  
«Сўз пирларини дуо билан айланг ёд!»

74

Мардликни сўра фотихидан Хайбарнинг!  
Химмат сирини хожасидан Камбарнинг!  
Хак файзини, Хофиз, тиласанг астойдил,  
Сўр манбаини сокийсидан Кавсарнинг!

75

Эй дўст, ганим жафосига кўл силта!  
Майдан ўзга сафосига кўл силта!  
Хакни бил-у, ўзингни — бу олам элининг  
Хар яхши-ёмон бахосига кўл силта!

Эргаш Очиллов таржималари